БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИИГ ОРГАНИ

№ 161

22 СЕНТЯБРЬ ЧОРШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Хитой Халқ Республикасининг Конституцияси

Халқ вакилларининг Умумхитой мажлиси улуғ хитой халқининг иродасини ифодалаб, кеча Хитой Халқ Республикаси Конституциясини ватанпарварлик руҳи ғоят юксалган вазиятда бир оғиздан қабул қилди. Конституциянинг қабул қилиниши хитой халқининг ҳаётида улуғ воқиадир. Бузилмас қардошларча дўстлик орқали хитой халқи блан боғланган совет халқи хитой халқ оммаси блан биргаликда ниҳоят даражада хурсанд бўлмоқда.

Олти юз миллионлик бутун хитой халқи икки ойдан кўпроқ давом қилган муҳокама вақтида Конституция проектини қизғин ма'қуллади. Халқ вакилларининг Умумхитой мажлисида Хитойдаги ҳамма миллатларнинг, барча аҳоли табақаларининг вакиллари бўлган саксон тўққиз делегат проектни ёқлаб гапирди. Хитой Халқ Республикасининг Конституциясига ҳақли равишда халқ Конституцияси деб ном берилди, чунки у, улуғ хитой халқи кўп бўғинларининг умидлари ва орзуларини, хитой халқининг тарихий тажрибасини ўзида гавдалантирди.

Хитой Халқ Республикасининг Конституцияси катта тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. Бу Конституция хитой халқининг ўз озодлиги учун узоқ йиллар давомида олиб борган қаҳрамонона кураши якунларини қонун тариқасида мустаҳкамлайди, кейинги йилларда хитой халқининг ҳаётида рўй берган тубли ўзгаришларни мустаҳкамлайди ва Хитой Халқ Республикаси «эксплуатация системасини аста-секин йўқотишни ва социалистик жамият қуришни та'минлайди», деб белгилаб беради.

Хитой Коммунистик партияси халқнинг хитойни миллий озод қилиш иши учун олиб борган курашини ғалаба блан тугаллашга олиб келди. Хитой мустамлакачиларнинг асрий зулмидан абадий халос бўлди. Хитой халқи сонсиз-саноқсиз қурбонлар бериб эришмоқчи бўлган ўзининг улуғ мақсадига етишди: хитой халқи ўзининг мустақил ватанига эга бўлиб қолди.

Хитой феодализмнинг узоқ вақтлардан бери давом қилиб келган ҳукмронлигига хотима берди. Улуғ мамлакатни турғунлик ва қолоқлик ҳолатида сақлаб келган, уни империалистик мамлакатларнинг хомашё манба'и ҳолига тушириб қўйган феодаллик муносабатларининг кишанлари абадий парчаланиб ташланди. Хитой Коммунистик партия раҳбарлигидаги хитой жамоатчилик кучлари эски, чириган тузумни емириб ташлаб, ўз ватанларининг прогрессив ривожланиши учун, унинг ишлабчиқариш кучларини зўр қувват блан юксалтириш учун, унинг бой миллий маданиятини яшнатиш учун, миллий озодликнинг улуғ ишини мустаҳкамлаш учун йўл очдилар.

«Хитой халқи бир асрдан кўпроқ давом қилган қаҳрамонона кураш натижасида,— дейилади Конституцияда,— ниҳоят, 1949 йилда Хитой Коммунистик партияси раҳбарлиги остида империализмга, феодализмга ва бюрократик капиталга қарши олиб борилган халқ революциясида улуғ ғалаба қозонди, бу блан узоқ муддатли тарихий давр давомида бўлиб келган зулм ва асоратга хотима берди ва Хитой Халқ Республикасини — халқнинг демократик диктатурасини барпо қилди».

Парчаланган мамлакат бўлган Хитойда милитаристларнинг турли группалари ўртасида империалистик босқинчиларнинг гиж-гижлаши блан қизитилган тортишувлари ва ҳарбий жанжаллари бирнеча ўн йиллар мобайнида давом қилиб келган эди. Эндиликда Хитой мамлакатнинг парчаланган ҳолда қолишига бутунлай хотима берди. «Хитой Халқ Республикаси,— дейилади Конституцияда,— бирлашган кўпмиллатли давлатдир». Хитойдаги ҳамма миллатлар империализмга қарши умумий кураш олиб бориб, дўстлашиб ва ўзаро ёрдамлашиб, озод ва тенг ҳуқуқли халқларнинг битта ягона оиласи бўлиб уюшдилар.

Хитой чинакам демократик давлат бўлиб қолди. Конституция ўзининг биринчи моддасида «Хитой Халқ Республикаси ишчилар синфи раҳбарлигидаги ва ишчилар блан деҳқонлар иттифоқига асосланган халқ демократияси давлатидир», деб э'лон қилади. Конституция Хитой Халқ Республикасидаги бутун ҳокимият халқ вакилларининг Умумхитой мажлиси ва халқ вакилларининг маҳаллий мажлислари орқали халқникидир, деб белгилаб беради.

Халқ вакилларининг Умумхитой мажлисига қадар халқ вакиллари мажлисларининг ҳамма босқичларига яқинда бўлиб ўтган умумий сайловлар Хитой халқининг ўз халқ-демократик давлатини бошқаришда актив иштирок қилаётганлигини кўрсатучи янги далил бўлди. Сайловлар Хитой Халқ Республикасидаги халқ-демократик ҳокимият бутун халқ томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини кўрсатди.

Хитой социалистик қурилишни бошлаб юборди. Конституцияниинг «Кириш» қисмида бундай дейилади: «Мамлакатни социалистик негизда аста-секин индустриалштириш, қишлоқ хўжалигини, кустарь саноатини, шунингдек капиталистик саноатни ва савдони социалистик негизда қайта қуришни аста-секин тугаллаш социализмга ўтиш даврида давлатнинг асосий вазифаларидир. Ўтган бирнеча йил мобайнида мамлакатимизнинг халқи аграр системани қайта қуриш, америка агрессиясига қаршилик кўрсатиш ва корейс халқига ёрдам бериш, контрреволюцион элементларни бостириш ва халқ хўжалигини тиклаш йўлида жуда катта миқ'ёсдаги курашни муваффақият блан олиб борди. Бу блан иқтисодий қурилишни план асосида олиб бориш ва аста-секин социалистик жамиятга ўтиш учун зарур шароит ҳозирланди».

Хитойнинг барча буюк ғалабалари шунинг натижаси бўлдики, Хитой Коммунистик партияси ўзининг синаланган йўлбошчиси ўртоқ Мао Цзэ-дун етакчилиги остида, хитой революциясига марксча-ленинча тўғри раҳбарлик қилишни та'минлаб, кенг халқ оммаси орасида ишириниб ётган ғоят зўр кучларни ишга солиб юборди. Хитойни озод қилиш учун курашга ўн ва юз миллионлаб меҳнаткашлар қўзғалганлиги учун ҳам хитой революцияси ғалаба қозонди ва улуғ мамлакат миллий тикланишнинг кенг йўлига чиқиб олди. Шунинг ўзи ҳам халқ оммасининг ҳал қилучи роли тўғрисидаги марксча-ленинча та'лимотнинг тўғрилигини яна зўр куч блан та'кидлайди, эксплуататорлар дун'ёси идеологларининг, меҳнаткашлар оммаси тарихий ижодиётга қобил эмас, деган реакцион валдирашларини чиппакка чиқариб ташлайди.

Хитой Халқ Республикасининг Конституцияси халқ оммасининг ижодий кучларини бундан буён ҳам ўстириш тўғрисида катта ғамхўрлик блан суғорилган. «Барча давлат органлари,— дейилади Конституциянинг ўн еттинчи моддасида,— халқ оммасига таянишлари, шу омма блан доимо жуда яқин алоқада бўлиб туришлари, омманинг фикрига қулоқ солишлари ва омманинг контроли остида бўлишлари лозим». Конституциянинг II боби бутунлай Хитойнинг давлат тузилишига бағишланган. Хитойнинг давлат тузилиши меҳнаткашлар кенг оммасининг халқ вакиллари мажлислари орқали давлат ишларида қатнашувини та'мнлайди, давлатда ишчилар синфининг раҳбарлик ролини ўйнашини белгилаб беради, ишчилар синфи блан деҳқонларнинг иттифоқи халқ-демократик тузумнинг асоси эканлигини ва шу иттифоқнинг аҳамиятини та'кидлаб беради.

Хитой Халқ Республикасининг Конституцияси янги ҳаёт қуришда халқ-демократик давлатнинг ролини белгилаб беради. Давлат ишчилар синфи қўлида социалистик жамият тузишнинг асосий дастагидир. Давлат хўжалик планлари ёрдами блан халқ хўжалигини ривожлантиришга ва қайта қуришга раҳбарлик қилади ҳамда халқнинг моддий даражасини ва маданий савиясини юксалтириш, мамлакатнинг мустақиллигини ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида ишлабчиқариш кучларини тинмай оширади. Шу сабабли Хитой Коммунистик партияси халқ-демократик давлатни бутун чоралар блан мустаҳкамлайди, бу эса Конституцияда ҳам ўз ифодасини топган.

Конституцияда ёзилганидек, давлат «халқ демократияси тузумини ҳимоя қилади, ҳарқандай хоинлик ва контрреволюцион фаолиятни бостиради, ҳамма хоинларни ва контрреволюционерларни жазолайди». «Халқ революциясининг ғалабаларини ва давлатнинг қурилиш соҳасидаги муваффақиятларини ҳимоя қилиш, мамлакатнинг суверенитетини, территориал бутунлигини ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш» республика қуролли кучларининг вазифасидир. Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг бу моддалари хитой халқининг ўз миллий озодлигини ҳимоя қилишга, империалистлар ва уларнинг агентлари томонидан халқ-демократик Хитойга қарши қаратилган ҳарқандай ва ҳамма кирдикорларни тag-томири блан йўқотишга қат'ий бел боғлаганлигини кўрсатади.

Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг III боби жуда катта аҳамиятга эга. Конституциянинг бу бобида гражданларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисида гапирилади. Гражданлар сўз, матбуот, йиғилишлар ўтказиш, союзларга уюшиш, кўчаларда намойишлар қилиш эркинлигига эгадирлар. Бу эркинликлар э'лон қилинибгина қолмасдан, балки давлат томонидан зарур моддий шароит блан ҳам та'минланади. Гражданлар меҳнат қилиш, илм олиш ҳуқуқига эгадирлар. Меҳнаткашларнинг дам олиш, қариганда, касал бўлиб ёки меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда моддий ёрдам олиш ҳуқуқи сингари бу ҳуқуқлар ҳам реал ҳуқуқлар бўлиб, тегишли тадбирлар блан мустаҳкамланади.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи халқ хўжалигини планли ривожлантириш, иш блан та'минланганликни кўпайтирабориш, меҳнат шароитини яхшилаш ва реал ишҳақини ошириш йўли блан та'минланади. Дам олиш ҳуқуқи ишчилар ва хизматчилар учун иш вақтини белгилаб қўйиш ва отпускалар бериш системаси йўли блан, дам олиш учун моддий шароитни аста-секин яхшилаш ва меҳнаткашлар соғлигини мустаҳкамлаш йўли блан та'минланади. Социализм ва демократия лагерининг бошқа мамлакатларда бўлганидек Хитой Халқ Республикасида ҳам меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари шу мамлакатлардаги иқтисодий тузумнинг характеридан келиб чиқади ва шу иқтисодий тузум томонидан мустаҳкам та'минланади.

Демократия ва социализм лагери мамлакатлари конституциялари блан буржуа мамлакатлари конституциялари ўртасидаги туб фарқларнинг бири мана шундадир, чунки буржуа мамлакатларида меҳнат қилиш ҳуқуқи сингари ҳуқуқлар капиталистик тузумнинг моҳияти сababли умуман та'минланиши мумкин эмас.

Хитой Халқ Республикасининг Конституцияси оддий кишининг ўзининг эртаги кунига қат'ий ишонч блан қарашини та'минлайди; меҳнаткашлар бутун халқнинг бахти ва саодати йўлида ўз ватанни барпо қилиш, қайта қуриш ишига ўзларининг бутун кучларини бериш имкониятига эга бўладилар. Хитой Халқ Республикаси Конституциясини танқид қилишга уринган буржуа «танқидчиларининг» кучанишлари разилона ва бема'ни уриниш бўлиб кўринмоқда. Улар бу Конституциянинг чинакам халқ демократизмига нимани қарама-қарши қилиб қўяоладилар? Улар империалистик системанинг аҳлоқини қарама-қарши қилиб қўяоладилар, бу системада бойлар меҳнаткашларни талаб, эксплуатация қилиш ҳуқуқига эгадирлар, бу системада миллионмиллион кишилар иш тополмайдилар, бу системада шахс эркинлиги эксплуатация қилиш эркинлиги блан олмоштирилган; улар бутун буржуа турмуш тартибларининг чириб бораётганлигини қарама-қарши қилиб қўяоладилар, бу турмуш тартибларида жаҳонни янги урушга тортиш хавфини қучайтираётган милитаристик телвалар бебошлик қилмоқда, кучли давлатлар мустамлака халқларини эзмоқдалар.

Бутун прогрессив инсоннят хитой халқини ўз ҳаётининг асосий қонунини — Хитой Халқ Республикасининг Конституциясини қабул қилганлиги блан табриклайди. Бу Конституциянинг Хитойдан бошқа мамлакатлар учун ҳам аҳамияти каттадир, чунки у, марксизм-ленинизм ўлмас идеяларининг янги буюк ғалабасидан далолат беради, Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошлаган иш янгидан-янги юз миллионлаб кишилар учун энг зарур ва жонажон иш бўлиб қолганлигини кўрсатади. Янги турмуш қуриш байроғи янгидан тўққиз юз миллион кишини бирлаштиручи қудратли, ягона ва бузилмас социалистик лагерь устида ғолибона ҳилпираб турибди.

Демократия ва социализм лагери — бутун инсониятнинг умидидир, бутун дун'ёда тинчлик таянчидир. Хитой Халқ Республикаси шу лагерьнинг ажралмас таркибий қисмидир. «Бизнинг мамлакатимиз, — дейилади Хитой Халқ Республикасининг Конституциясида, — улуғ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан ва халқ демократияси мамлакатлари блан бузилмас дўстлик муносабатларини боғлади; мамлакатимиз халқининг бутун дун'ёдаги тинчликсевар халқлар блан бўлган дўстлиги кунданкунга ўсмоқда. Бу дўстлик бундан буён ҳам ривожлана ва мустаҳкамланаверади. Тенгҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик ва суверенитетни ва территориал бутунликни ўзаро ҳурматлаш принциплари асосида ҳамма мамлакатлар блан дипломатик муносабатлар боғлаш ва шу муносабатларни ривожлантириш соҳасида бизнинг мамлакатимиз ўтказаётган сиёсатда муваффақиятлар қўлга киргизилди, бу сиёсат бундан буён ҳам оғишмай амалга оширилаверади. Бутун дун'ёдаги тинчликнинг ва инсоннят тараққиётининг олижаноб мақсадлари учун кураш мамлакатимизнинг халқаро ишларда тутаётган ўзгармас йўлидир».

Энди ҳаммага равшандирки, америка империалистларининг ҳечқандай кирдикорлари Хитой Халқ Республикасининг халқаро муносабатларнинг ҳамма системасида улуғ давлат бўлиб ўзининг қонуний ўрнини олишига халақит беролмайди. Буни фақат Хитой халқининг манфаатларигина талаб қилиб қолмасдан, бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари ҳам талаб қилади.

Совет халқи улуғ қардош хитой халқини Хитой Халқ Республикасининг Конституциясини қабул қилганлиги блан қутлайди ва хитой халқига янги турмуш қуришда, хитой Халқ давлатининг улуғворлиги ва яшнаши учун олиб бораётган курашида янада муваффақиятларга эришишни тилайди.

Яшасин Хитой Халқ Республикаси!

(«ПРАВДА»нинг 21 сентябрьдаги бошмақоласи).

СССР Медицина фанлари академияси блан Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг илмий сессияси

СССР Медицина фанлари академияси блан ЎзССР Соғлиқни сақлаш министрлиги илмий сессиясининг 21 сентябрьдаги эрталабки мажлиси Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри Р. С. Соатов раислигида очилди. Хашаротлар орқали юқадиган касалликлар, я'ни трансмиссив касалликларнинг табиий ўчоқлари ҳақидаги масала юзасидан олимларнинг доклади давом этди.

СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий а'зоси профессор П. Ф. Здродовский маҳаллий касалликларни, я'ни эндемик касалликларни текшириш натижаларини ўз докладида баён қилиб берди. Эндемик касалликларни шу касалликлар юққан кишилар ёки ҳайвонларнинг ҳужайралари ичида паразитлик қилиб яшайдиган ҳархил микроорганизмлар, я'ни риккетециялар қўзғайди. Совет олимлари мамлакатимизда учрайдиган маҳаллий касалликларнинг ҳамма турларини, шу жумладан ҳали адабиётда тасвир этилмаган бирқанча формаларини, масалан Шимолий Осиё кана риккетециозини лаборатория, клиника ва дала шароитида батафсил текширдилар. Шимолий Осиё кана риккетсиози енгил ўтадиган касаллик бўлиб келиб чиқиши жиҳатидан Америкада тарқалган доғлиқ иситмага ўхшайди.

СССР Медицина фанлари академиясининг лабораторияларида риккетсиозларнинг ҳамма турларини аниқлаш методлари белгиланди ва шунга тегишли препаралар топилди, совет олимлари тайёрлаган янги антибиотиклар риккетсиозларнинг профилактикаси учун самарали восита бўлди.

Профессор П. Ф. Здродовский Совет Иттифоқида умумдавлат миқ'ёсида мунтазам равишда амалга оширилган соғайтиш тадбирлари туфайли эпидемик тепкили терлама касаллигини тамомила тугатилганлигини ўз докладида қайд қилиб ўтди.

СССР Медицина фанлари академиясининг корреспондент а'зоси Н. И. Ходукин лейшманиозлар тўғрисида доклад қилди. Содда жониворлар типига кирадиган микроблар қўзғовчи бу касалликнинг тери лейшманиози ва ички лейшманиоз деб аталадиган иккилари бор. Тери лейшманиози (ёмон жароҳат) микробини биринчи марта тошкентли профессор П. Ф. Боровский кашф этган. Совет қоқимияти даврида профессор Н. И. Латишев ва унинг ҳамкорлари ёмон жароҳат микроблари табиий ўчоқларда — чўл ва даштларда ёввойи ҳолда яшайдиган қумсичқон ва юмронқозиқ каби кемиручи ҳайвонларда бўлишини исбот этдилар. Бу касаллик одамга искабтопар чивин чаққанда юқади. Чивинлар микробни кемиручи ҳайвонлардан юқтириб олади. Қишлоқ жойларда ёмон жароҳат шу тарзда юқади. Шаҳарларда касалликни бемордан соғ кишига искабтопар чивинлар юқтиради. Ички ёки умумий лейшманиозни кишиларга искабтопар чивинлар касал итлардан юқтиради.

Касалланиш қонуниятининг олимлар томонидан аниқланганлиги лейшмониоз касалликларига қарши курашни тўғри уюштиришда соғлиқни сақлаш органларига катта ёрдам берди. Профессор Н. И. Латишев лейшманиоз касалликларининг табиий ўчоқларини тугатиш йўлида профилактик тадбирларни кўриб, кемиручи ҳайвонларни ва лейшманиоз тарқатучи искабтопар чивинларни йўқ қилиб Жанубий Туркманистонда Боровский касаллигининг ўчоқларидан бирини зararсизлантирди. Ҳозирги вақтда бошқа шаҳар ва қишлоқ жойларда ҳам лейшманиознинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда.

Ўзбекистон безгак ва медицина паразитологияси институти клиник бўлимининг мудири Н. А. Мирзоян сўзга чиқиб ички лейшманиозни даволаш ҳақида қизиқ ма'лумотлар келтирди. У, институтда лейшманиозни даволаш учун турли воситалар ишлатилганлигини айтди. Бутуниттифоқ химия-фармацевтика институтида тайёрланган сурьма препарати, солюсурьмин беморларни даволашда биринчи марта қўлланилди ва бу препарат аввал ишлатилиб келган ҳамма препаратлардан самарали эканлиги аниқланди.

Н. А. Мирзоян ўз сўзини якунлаб бу препарат лейшманиозни даволаш муддатларини кўп марта қисқартиради деб айтди.

Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий а'зоси И. Г. Галузо сессияда сўзлаган нутқида Қозоғистонда учрайдиган киши юқумли касалликларининг табиий ўчоқларини текшириш соҳасида республика олимларининг олиб борган иш натижаларини якунлади. Профессор Галузо юқумли касалликларининг микробларини сақлайдиган ва тарқатадиган ҳайвонлар ва ҳашоратларнинг хилма-хиллиги республикадаги табиий географик шароитнинг хилма-хиллигига боғлиқ эканлигини та'кидлаб ўтди.

Сўнгги ўн йил ичида республиканинг медицина олимлари ва врачлари кана энцефалити, туларемия, кана орқали тарқаладиган қайталовчи терлама каби юқумли касалликларнинг табиий ўчоқларини топдилар. Бруцеллёзнинг табиий ўчоқлари айниқса синчиклаб текширилди. Ёввойи ҳолда яшайдиган кўпгина ҳайвонлар (юмронқозиқлар, дала сичқонлари, сайроқлар) нинг табиий шароитда бруцеллёз блан оғриши ҳақида ма'лумот олинди. Қонсўрар каналларнинг беш тури бруцеллёз тарқатиши ҳам аниқланди.

Қозоғистонда касалликларнинг табиий ўчоқлари ҳақидаги проблемани илмий асосда ишлаб чиқишда қўлга киритилган ютуқлар медиклар, ветеринария врачлари ва зоологларнинг ҳамжиҳат бўлиб ишлаш натижаси эканлигини докладчи қайд қилиб ўтди. Республика медиклари, ветеринария врачлари ва зоологлари олам ва ҳайвонларга хос касалликлари Қозоғистон Фанлар академиясининг умумий планига мувофиқ текширдилар.

Правардида профессор Галузо бундан кейин ана шу проблемани Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон ва Ғарбий Сибирь олимларининг кучлари блан ҳамжиҳат бўлиб текшириш зарур деган масалани қўйди.

Докладлардан кейин музокаралар бошланди.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Тошкентдаги Ваксина ва зардоблар илмий текшириш институтининг директори А. В. Иноғомов лейшманиоз микробларининг специфик ҳоссаларини аниқлаш мақсадида шу микробларнинг ҳархил турларини текшириш тўғрисида сўзлади. Институт ходимлари физиологик текшириш методларидан фойдаланиб ҳайвонлар организмига лейшманиоз микробларининг зararли та'сир этишини ўргандилар. Бу тажрибалар профессор Н. И. Ходукиннинг лейшманиоз микроблари икки турли бўлади деган хулосасини тасдиқлайди. Бу даволаш тадбирларини тўғри уюштириш учун катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби профессор Р. С. Гершенович ўз нутқининг талайгина қисмини болалар лейшманиозини ўрганиш масаласига бағишлади. У айтдики, сўнгги йилларда бирйўла амалга оширилган даволаш-профилактика тадбирлари натижасида бу касалликка қарши курашда жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Совет олимларининг ишлари туфайли болалар лейшманиоз блан жуда кам оғрийдиган бўлиб қолди, беморларнинг ўлиши деярлик йўқ даражага келди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти Т. З. Зоҳидов ўз нутқини касаллик тарқатучи ёввойи ҳайвонларнинг, шу жумладан кемиручи ҳайвонларнинг яшаш шароитини текшириш ҳақидаги масалаларга бағишлади.

Эрталабки мажлисда Врачлар малакасини ошириш институтининг доценти С. А. Имомалиев (Боку), Тошкентдаги Ваксина ва зардоблар институтининг илмий ходими, биология фанлари кандидати А. И. Лисова, СССР Медицина фанлари академиясининг корреспондент а'зоси А. Я. Алимов, Озарбайжон Медицина институти ҳузуридаги юқумли касалликлар кафедрасининг мудири М. Г. Сафаралибековлар музокарада сўзладилар.

Кечқурунги мажлисга СССР Медицина фанлар академиясининг ҳақиқий а'зоси П. Г. Сергиев раислик қилди. Трансмиссив касалликларнинг табиий ўчоқлари ҳақидаги проблемага доир докладларни муҳокама қилиш кечқурунги мажлисда давом этдирилди. Музокараларда Омск Медицина институти ҳузуридаги гистология кафедрасининг мудири Р. М. Ахрем-Ахремович, СССР Медицина фанлар академиясининг корреспондент а'зоси В. М. Жданов, медицина фанлари кандидати Э. Б. Кербабаев (Ашхобод), СССР Медицина фанлар академиясининг корреспондент а'зоси М. М. Маевский, СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий а'зоси И. В. Давидовский, доцент Н. Ф. Родякин (Ашхобод), СССР Медицина фанлар академиясининг корреспондент а'зоси Ф. Ф. Тализин, Тошкентдаги Врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги юқумли касалликлар кафедрасининг мудири И. Қ. Мусабоев, Қирғизистон эпидемиология ва гигиена институтининг лаборатория мудири И. А. Гонтар-Тарвит музокарада сўзладилар.

Музокаралар тамом бўлгандан кейин докладчилардан академик Е. Н. Павловский, СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий а'зоси П. Ф. Здродовский, СССР Медицина фанлари академиясининг корреспондент а'зоси М. П. Чумаков ва СССР Медицина фанлари академиясининг корреспондент а'зоси П. А. Петришчева охирги сўзга чиқдилар.

Раислик қилучи — профессор П. Г. Сергиев касалликларнинг табиий ўчоқлари ҳақидаги проблемани муҳокама қилиш натижаларини якунлади. У айтдики, одамда бўладиган бирқанча касалликларнинг табиий ўчоқлари ҳақида академик Е. Н. Павловский ва бошқа совет олимлари томонидан яратилган та'лимот илм-фан учун кўпгина янгилик берди ва соғлиқни сақлаш ходимларига касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши кураш методларини берди. Жумладан, лейшманиоз эпидемиологиясини ўрганиш соҳасида эришилган муваффақиятлар соғлиқни сақлаш органларига яқин йилларда шаҳарларда учрайдиган лейшманиозни тамомила тугатиш мумкин деган масалани ҳозирдаёқ ўртага қўйишга имкон беради.

Профессор П. Г. Сергиев айтдики, давлат томонидан берилаётган жуда кўп моддий маблағлар ёрдами блан ўтказилаётган текширишларнинг планли характерда эканлиги совет олимларига табиий ўчоқли касалликларни тугатишга ёрдам берадиган профилактик тадбирларни тезроқ ва мукаммалроқ ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Яқин йилларда жуда кўп янги ерларни ўзлаштириш тўғрисида партия ва ҳукуматнинг қабул қилган қарорлари, — деб ўқтирди П. Г. Сергиев, — илмий ходимлар олдига табиий ўчоқли касалликларнинг олдини олиш учун янги территорияларни текшириш каби жиддий вазифани қўяди.

Илмий сессия 22 сентябрьда ўз ишини давом этдиради. (ЎзТАГ).

Четэл олимларининг делегациялари Тошкентга келди

СССР Медицина фанлари академияси блан Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ўлка паталогияси масалаларига бағишланган илмий сессияси ишларида қатнашиш учун четэл медицина олимларининг делегациялари Тошкентга келмоқда.

21 сентябрь эрталаб Бирма Иттифоқи олимларининг Рангун университети медицина факультети декани медицина профессори Мин Сейн бошчилигидаги делегацияси Тошкентга келди. Бирма олимларини аэродромда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри Р. С. Соатов, шаҳар медицина жамоатчилигининг вакиллари кутиб олдилар.

21 сентябрь кундузи Ҳиндистон олимларининг делегацияси Тошкентга келди. Калкуттадаги Бутунҳиндистон гигиена институтининг директори Кумарапур Вайдиленг Кришнан бошчилигидаги ҳинд олимлари делегациясини СССР Медицина фанлари академиясининг академик секретари В. Д. Тимаков, СССР Медицина фанлари академиясининг корреспондент а'зоси В. М. Жданов, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги четэллар блан алоқа бошқармасининг бошлиги В. Н. Бутров ва илмий сессиянинг бошқа қатнашчилари кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ «АЛ ҚОНУН» ДЕГАН АСАРИ ЎЗБЕК ТИЛИДА БОСИЛИБ ЧИКДИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг нашриёти бухороли отоқли олим Абу Али ибн Синонинг машҳур асари бўлган «Ал қонун» нинг биринчи китобини ўзбек тилида босиб чиқарди. Бу китобнинг аввалроқ чиққан русча таржимаси каби ўзбекча таржимаси ҳам биринчи марта нашр этилмоқда. Ибн Сино асарининг ҳаммаси бўлиб беш томи чиқарилади. Бундан ташқари совет олимларининг изоҳларини ўз ичига олган махсус томи ҳам босилиб чиқади.

Абу Али ибн Сино асарининг XII асрда кўчириб ёзилган ва СССРда сақланаётган энг қадимги қўл'ёзмаси «Ал қонун»ни араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиш учун асос қилиб олинди. Ўрта асрларнинг йирик медик олимлари томонидан ибн Сино асарига ёзилган бирқанча шарҳлардан ҳам фойдаланилган.

Ибн Сино асарини Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузуридаги шарқшунослик институтининг бир группа олимлари ўзбек тилига таржима қилдилар. Бу ишда шарқшунослардан филология фанлари кандидатлари С. Мирзаев, У. Каримов, А. Қаюмов, шунингдек илмий ходимлардан А. Расулев, А. Муродов, К. Муниров ва А. Ўрунбоевлар қатнашдилар. Китобни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент а'зоси А. Асқаров қўл остидаги бир группа врачлар медицина нуқтаи назаридан таҳрир қилиб чиқдилар. (ЎзТАГ).

Алишер Навоий номли опера ва балет театри биносида СССР Медицина фанлари академияси ва Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг илмий сессияси ўз ишини давом этдирмоқда. **Суратда:** академик К. П. **Скрябин** (чапдан иккинчи) Хитой Халқ Республикаси делегацияси а'золари блан суҳбатлашмоқда.

Б. **Мазур** ва **И. Душкин** фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 21 СЕНТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

М А ' Л У М О Т

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Гулистон	1,36	15,03	Оржоникидзе	1,12	9,37
Мирзачўл	1,58	14,94	Оққўрғон	0,87	8,74
Сирдар'ё	1,67	14,06	Бўка	0,96	8,37
Верхне-волинск	1,29	12,59	Ўртачирчиқ	0,72	7,26
Калинин	1,38	11,59	Ўртасарой	0,72	6,71
Юқоричирчиқ	1,15	10,25	Октябрь	0,74	6,37
Чиноз	0,89	9,77	Янгийўл	0,81	6,24
Ховос	0,86	9,72	Оҳангарон	0,70	6,00
Бекобод	0,78	9,51	Қуйичирчиқ	0,47	4,70
Пискент	0,69	9,50	Паркент	0,67	2,75

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ҒЎЗА БАРГИНИ СУН'ИЙ РАВИШДА ТЎКИШ ЮЗАСИДАН 1954 ЙИЛ 21 СЕНТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

М А ' Л У М О Т

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши
Оққўрғон	97,5
Оҳангарон	27,4
Бекобод	72,2
Бўка	97,3
Верхне-волинск	89,4
Мирзачўл	86,9
Юқоричирчиқ	98,0
Гулистон	89,2
Октябрь	72,7
Оржоникидзе	41,7
Паркент	—
Пискент	64,0
Сирдар'ё	91,7
Ўртачирчиқ	84,9
Ўртасарой	78,4
Ховос	72,9
Чиноз	91,7
Янгийўл	53,7

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Йиғим-терим даврида агитациянинг барча турларидан тўла фойдаланамиз

Колхозимизнинг ҳамма бригадаларида пахта йиғим-терими кучайтириб юборилди. Партия ташкилоти ҳосилни уюшқоқлик блан қисқа вақтда йиғиштириб олиш учун теримчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни қизитишга кўпроқ эътибор бермоқда. Ишчан коммунист ва комсомоллар агитаторлик қилиш блан бирга йиғим-теримда актив иштирок этмоқдалар. Тошхон Маматқобилова, Зулфизор Эргашева каби актив жамоатчи комсомолларимиз пахтани икки қўллаб теришда намуна бўлмоқдалар. Дам олиш вақтида эса улар пахтани қандай қилиб кўп териш тўғрисида ўртоқларига сўзлаб бермоқдалар.

Чевар теримчиларимизнинг жуда кўпчилиги икки қўллаб пахта теришлари орқасида терим нормаларини 2,5-3 ҳисса бажараётирлар. Ўтган йили мавсумда 14 тоннадан ошириб пахта терган ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг фахрий ёрлиғини олишга муваффақ бўлган Асалхон Ортиқова, Марзия Сиддиқова каби чевар теримчиларнинг иш тажрибалари агитаторлар орқали кенг пропаганда қилинаётир.

Колхозимизнинг илғор теримчилари мавсумда 15-17 минг килограммдан пахта теріб бериш учун курашмоқдалар. Биз йиғим-теримда ҳамма колхозчиларнинг фаол қатнашишлари учун агитациянинг барча турларидан тўғри фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Пахта йиғим-терими даврида айниқса деворий газета, «Жанговар варақа»лардан кўпроқ фойдаланиш блан бирга, кўргазмали агитация ишларини кучайтирмоқдамиз.

Партия ташкилоти активлар кучидан фойдаланиш йўли блан ҳар беш кунда «Илғорларга тенглашингиз!» деган фотогазета чиқармоқда. Бунда чевар теримчиларнинг расмлари блан бирга уларнинг қилган ишлари қисқача ёзиб қўйилади. Фотогазетани агитаторларимиз бригада шийпонларига навбатма-навбат олиб борадилар ва уларни теримчиларга тушунтириб берадилар.

«Қалампир далада» деган юмор сатирик газетамиз ҳам терим ишларидаги камчиликларни очиб ташлаб колхозчиларги меҳнатга социалистик муносабатда бўлишга ўргатмоқда. Партия ташкилоти оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришда колхозлагги тўлиқсиз ўрта мактабнинг ўқитўчилар коллективининг кучидан тўғри фойдаланмоқда.

Колхоз агитаторлари илғорларнинг иш методларини пропаганда қилиш блан бирга пахтани сортларга ажратиб теришнинг ҳамияти тўғрисида теримчилар блан бирнеча марта суҳбат ўтказдилар. Агитаторларимиз суҳбат вақтида отбор, биринчи, иккинчи сорт пахталарни яна бир бор кўрсатиб чиқдилар.

Яқинда агитатор Ўртоқ Қаюмов колхозлагги пахтанинг 90 процентги отбор ва биринчи сортларга топширилса бунинг эвазига колхоз ярим миллион сўмдан ортиқ даромад қилажаги тўғрисида суҳбат ўтказди. Агитаторнинг суҳбатидан кейин пахтани тоза теручиларнинг сони кўпайди.

Партия ташкилоти ва колхоз правленеси теримчиларни рағбатлантириш мақсадида ҳар бешкунлиқда илғор бригада ва звеноларга кўчма Қизил байроқ беріб боришни зарур деб топди. Бундан ташқари «Илғор теримчи»-деган қизил лента ҳам мусобақа голибларига бериладиган бўлди. Бу лента пахтани кўп терганларга топширилади.

Агитация ишларининг жонли ўтказилиши туфайли колхозлагги теримчиларнинг ярмидан кўпроғи кундалик терим нормасини ошириб бажармоқда. Пахтани сортларга ажратиб теручиларнинг сони кўпаймоқда. Партия ташкилоти пахта йиғим-теримида агитация ишларининг барча турларидан кўпроқ фойдаланиб Ўзбекистон ССР нинг 30 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақани кучайтириб юборди.

А. ПАРДАЕВ,

Верхне-волинск районидаги Ленин номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

Ташкилот иши яхшилансин

Пискент районидаги Шверник номли колхоз бошлағич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши шу йил май ойида бўлган эди. Шундан бери партия ташкилотининг йиғилиши бирон марта ҳам ўтказилмади. Коммунистлар партия ташкилотининг секретари Ўртоқ О. Назаровдан «Йиғилиш қачон бўлади?» деб кўп сўрашади. У бўлса «Йиғилишнинг қачон бўлишини ўзим ҳам билмайман» деб жавоб беради. Очиғи у хўжалик ишлари блан шуғулланиб, партиявий-ташкилий ишлар блан қизиқмай қўйди.

Партия ташкилотининг йиғилишларини ўз вақтида ўтказиш катта аҳамиятга эгадир. Йиғилишларда коммунистларнинг ўз сиёсий билимларини ошириш устида қандай ишлаётганлиги, уларнинг ишлабчиқаришда авангардлиги каби масалаларни муҳокома қилиш ва уларга йўл-йўриқ кўрсатиб бериш керак.

Афсуски, Ўртоқ Назаров партия йиғилишининг ўз вақтида ўтказилишига парвосизлик блан қараётир. Шунинг учун ишлабчиқаришга оид энг муҳим масалалар партия ташкилотининг эътиборидан четда қолиб келмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССР колхозларида ва совхозларида 1954 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш тўғрисида» деб чиқарган қарори ҳалигача партия ташкилотининг йиғилишида муҳокама қилинмаган. Партия ташкилоти теримчилар ўртасида социалистик мусобақани қизитмаётир, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга аҳамият бермаётир. Бунинг орқасида ба'зи теримчилар ишга кеч чиқиб, нормани бажармаётирлар.

Партия ташкилоти комсомол-ёшларни дала ишларига сафарбар қилишни унитиб қўйган. Колхозда 40 комсомол а'зоси бор бўлишига қарамай уларнинг ярмидан кўпи йиғим-теримга жалб қилинмаган.

Партия ва комсомол ташкилотининг органи «Олга» деворий газетаси кейинги 3 ой ичида бир марта ҳам чиқарилгани йўқ. Партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Назаров ҳатто газетанинг охирги сони қачон чиқканини билмайди.

Ўртоқ Назаров коммунистлар блан биргаликда иш олиб бормаётир. Уларни партия топшириқлари беріб туриш йўли блан тарбияламаётир. Айрим коммунистлар а'золик бадалини тўлаш учун Ўртоқ Назаровни қидириб юрадилар.

Шверник номли колхоз бошлағич партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Назаровнинг оммадан ажралиб қолганлиги, ишда ташкилотчилик кўрсатмаётгани Пискент район партия комитетига ма'лум бўлса ҳам район партия комитети бу ташкилотнинг ишини яхшилашга аҳамият бермаётир.

Ш. ШОҚОСИМОВ.

Деворий газета ишига э'тибор берилсин

Деворий газета илғорларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва ишдаги камчиликларни тугатишда муҳим роль ўйновчи қуролдир. Шунинг учун ҳам биз редколлегия а'золари 3-нчи механика—йигув цехининг «Машинастроитель» деворий газетасини ҳар тарафлама юқори савияда чиқиши учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Газетамиз мунтазам равишда чиқиб турмоқда. Биз редколлегия а'золари газета саҳифаларида босиладиган мақолаларнинг мазмунли, ўқимишли, қизиқарли бўлиб чиқишига алоҳида аҳамият берамиз. Ишни кенг активлар оммасига таянган ҳолда ташкил қилганмиз. Биз газета активларининг хат ва хабарларидан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Йил бошидан буён газетанинг 22 сони чиқди. Бунда 190 мухбир ўз мақола ва хабарлари блан қатнашди.

Деворий газетада «Хатлар изидан» рубрикаси ташкил қилинган. Унда танқидий мақолаларнинг натижалари мунтазам равишда э'лон қилиниб турилмоқда.

Газетанинг ўтган сонида цех механиги Ўртоқ Чуенконинг айби блан пайвандлаш участкасида ўнларча узелларнинг сифатсиз қилиб ишланганлиги қаттиқ танқид қилинган эди. Газетанинг кейинги сонида цех механиги Ўртоқ Чуенкога нисбатан ма'мурият томонидан чора кўрилганлиги ва цех ишини яхшилаш учун зарур тадбирлар белгиланганлиги хабар қилинди. Ишлабчиқариш рационализаторларининг бой тажрибаларини пропаганда қилишга, қолоқлар ишидаги камчиликларни очиб ташлашга деворий газетада кўп ўрин бермоқдамиз. Газетанинг деярлик ҳар сонида «Менинг иш методларим» деган рубрика остида цехнинг илғор ишчилари ўз тажрибалари блан ўртоқлашадилар. Цех механика участкасининг илғор пармаловчиси Ўртоқ Набокинанинг иш тажрибалари газетада кенг пропаганда қилинди.

Цех пармаловчиларидан Семенова ва бошқалар Набокинанинг илғор иш методини қўлланиб меҳнат унумини 1,5 баравар оширдилар.

Цех партия ташкилоти (секретари Ўртоқ Захаров)) деворий газетамиз ишига яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Газетада босилган танқидий материаллар партия йиғилишларида тез-тез муҳокама қилиниб туради.

Лекин шуни айтиш керакки, заводда цех деворий газеталарининг ишига ҳали етарли э'тибор берилмаётир.

Деворий газета редколлегия а'золарининг кенгашини тез-тез ўтказиб туриш, тажриба олмашиш катта аҳамиятга эгадир. Бу муҳим ишга завод партия ташкилоти етарли аҳамият бермаётир. Йил бошидан буён атиги икки марта деворий газеталар редколлегия а'золарининг кенгаши чақирилди.

Партия ташкилати деворий газета ишига раҳбарликни кучайтириши керак.

П. НИКИТИН,

«Чирчиксельмаш» заводининг «Машинастроитель» деворий газетасининг редактори.

Ленин номли колхоз комсомолларининг ватанпарварлик ташаббуси

ЯНГИЙЎЛ. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Райондаги Ленин номли колхоз бошлағич комсомол ташкилотининг комсомол ва ёшлари ажойиб ватанпарварлик намуналарини кўрсатдилар.

Бошлағич комсомол ташкилотининг йиғилишида ёшлар қишлоқдаги жийда елимларини йиғиб давлатга топширишга қарор қилдилар. Колхознинг 360 комсомол а'зоси бирнеча кун ичида 350 килограммдан ортиқ жийда елимлари тўпладилар. Комсомол а'зоси Умарали Аблақулов ва унинг тенгдошлари 2 — 2,5 килограммга етказиб елим йиғдилар.

Қисқа вақт ичида Ленин номли колхоз ёшлари 500 килограмм жийда елими тўплаб район матлубот союзига топширдилар. Район матлубот союзи Ленин номли колхоз комсомол ва ёшларининг топширган елими эвазига колхозга битта ЗИС машинаси берди.



Коммунистик партия ва Совет давлати меҳнаткашларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида катта ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатида соғломлаштириш муассасалари учун ҳар йили кўплаб маблағ сарфланади. **Суратда:** Биринчи тўқимачилик фабрикасининг соғломлаштириш пунктидаги янги гидроайроионизация кабинети.

Л. Портер фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ёшлар кинолекторийси ташкил этилди

Чиноз район комсомол комитети маданият бошқармаси блан биргаликда район комсомол-ёшларининг кинолекторийсини ташкил этди. Кинолекторийга райондаги Сталин номли, Горький номли, Оржоникидзе номли бирқанча ўрта мактаб ўқучилари ва колхоз ёшларидан жами бўлиб 573 киши қатнашмоқда. Кинолекторий мунтазам ишлаб турипти ва бу ерда турли темаларда лекциялар ўқиш яхши йўлга қўйилди.

Бу ерда лекцияларни актив комсомол а'золари ҳам ўқимоқдалар. Лекциялардан кейин «Разведкачининг жасорати», «Қувноқ юлдузлар» ва «Александр Невский» каби кинофильмлар қўйиб берилди.

Н. САИДОВ,
Т. ҲАСАНОВ.

МАДАНИЙ ДАМ ОЛМОҚДАЛАР

«ВЛКСМ 25 йиллиги» ҳамда ВЦСПС га қарашли дам олиш уйи Оржоникидзе районидаги Қибрай қишлоқ совети территориясида жойлашган. Бу ерга Оҳангарон шахтёрлари, Чирчиқ химик ва машинасозлари, Марғилон тўқучилари, Мўйноқ балиқчилари келиб, маданий дам олиб қайтадилар.

Дам олиш уйларининг ходимлари ва хизматчилари дам олучиларга маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилашга ҳаракат қилмоқдалар. ВЦСПС га қарашли дам олиш уйи бўйича маданий ишлар секторининг бошлиғи Д. С. Лишко, музикант Г. Гостевлар муайян план асосида ишламоқдалар.

Бу ерда волейбол ўйини бўйича ўртоқлик учрашувлари, сувда сузиш бўйича мусобақалар ҳам бўлиб туради.

МТС ИШЧИЛАРИГА

Ўртачирчиқ район, Тўйтепа қишлоқ советидаги 1-нчи МТС ишчилари ва хизматчиларига маданий хизмат кўрсатиш тобора яхшиланмоқда. Бу ерда кўркам клуб биноси қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Клубга янги киноустановка ўрнатилиб, ҳаркуни турли кино-фильмлар намойиш қилинмоқда.

МТС ҳузуридаги қизил чойхона ишчилар ва хизматчиларнинг маданий дам оладиган жойига айлантирилган. Чойхонада «Тракторист» ва «Жайра» номли сатирик деворий газеталар мунтазам чиқарилиб турибти.

Ишчи, хизматчиларга маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида ҳозир МТС ҳузурида типовой ошхона, қизил чойхона ва озиқ-овқат ҳамда саноат моллари блан савдо қиладиган магазин бинолари қурилмоқда.

Р. ОТАҚУЛОВ.
С. УСТАБОЕВ.

Артистлар колхоз далаларида

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент давлат филармониясининг солистларидан Ўзбекистон ССР халқ артисти К. Зокиров ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист К. Исмоилова каби санъат усталари Оржоникидзе район Сталин номли колхознинг пахта далаларида бўлдилар. Улар томонидан берилган концертни колхозчилар эўр қизиқиш блан тамоша қилдилар. Шунингдек А. Навоий номли опера ва балет театри ҳамда Муқимий номли музикали драма театри артистларидан тузилган концерт бригадаси райондаги Пушкин номли, «Қизил Ўзбекистон» колхозларида бўлиб, катта концертлар бердилар.

А. ЛАТИПОВ.

Бадиий ҳаваскорлар тўгараги

Оҳангарон шаҳар маданият бўлимининг ташаббуси блан «Шахтёр»лар клубида музика ҳаваскорлари учун духовой оркестр тўгараги ташкил этилди. Ўртоқ Мирзаахмедова раҳбарлик қилаётган бу тўгаракда машғулотлар мунтазам олиб борилмоқда. Тўгаракка иштирок этаётган 15 ҳаваскор нота ўрганишга киришди.

А. КУКИЕВ.

Ворошилов номли илғор колхозда

Калинин районидаги Ворошилов номли колхоз а'золарининг уйларини электрлаштиришга катта аҳамият берилаётир.

Бу йил колхозни электрлаштириш учун 85 минг сўм маблағ ажратилди. Ҳозир электрлаштириш учун керак бўлган барча ускуналар сотиб олинди.

* * *

Колхозчилар орасида оммавий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилмоқда. Яқинда колхозчиларга «КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март Пленумларининг қарорлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг жанговар программасидир» ҳамда «Халқаро аҳвол» ҳақида лекциялар ўқиб берилди, «Спорт шарафи», «Бой ила хизматчи» каби кинофильмлар кўрсатилди.

* * *

16-нчи бригада (бошлиғи Ўртоқ И. Исломов) колхознинг илғор бригадаларидан бири ҳисобланади. Бу бригада колхоз кўчма Қизил байроғини кўп вақтдан бери ўз қўлида сақлаб келмоқда.

Бу сабзавотчилик бригадаси социалистик мусобақа асосида ишлаб, давлатга сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотлари топшириш юзасидан белгиланган планни ортиғи блан бажарди.

М. МИРЗАҚОБИЛОВ.

Колхозчиларга маданий хизмат

Калинин район «Қизил Октябрь» колхози бадиий хаваскорлик тўгарагининг ишидан фақат шу колхоз а'золаригина эмас, балки қўшни колхоздагилар ҳам мамнундирлар. Тўгарак а'золари А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи», Ўйғунниинг «Олтин кўл», «Навбаҳор» пьесаларидан парчалар кўрсатиб, колхозчиларни пахтадан мўл ҳосил етиштиришга фидоқорлик блан меҳнат қилишга рағбатлантирмоқдалар, концертлар уюштириб уларни хурсанд қилмоқдалар.

Хаваскорлардан Ҳаким Мусаев, М. Собирова, Н. Рихсиев, М. Сайдалиева, Т. Илҳомов, Н. Аҳбарова каби ўртоқлар бош рольларни моҳирлик блан ижро этмоқдалар.

М. ЗОКИРОВ.

Алексей Павлович Федченко

(ТУГИЛГАНИГА 110 ЙИЛ ТЕЛИНИ МУНОСАБАТИ БЛАН)

Ўрта Осиёни илмий жиҳатдан ўрганишга асос солган рус табиатшуноси Алексей Павлович Федченко алоҳида шарафли ўрин эгаллайди. А. П. Федченконинг илмий фаолияти жуда кенг ва ҳилма-ҳилдир. У барча илғор рус олимлари сингари ўз фаолиятида илмнинг фақат биргина соҳаси блан чегараланиб қолмай, табиёт фанларининг барча соҳаларини ҳам чуқур билучи олим эди.

А. П. Федченконинг Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон тарихи, географияси, ўсимликлари ва ҳайвонлар дун'ёсини ўрганиш соҳасидаги илмий ишлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Профессор Н. Н. Плотниковнинг та'бирича, А. П. Федченко дун'ё олимлари олдида Ўрта Осиёнинг ўсимликлар ва ҳайвонот дун'ёсини биринчи бўлиб очиб берди.

* * *

А. П. Федченко 1844 йил 7 февральда Иркутск шаҳрида туғилди. У ёш чоғиданоқ ўзининг ўткир зеҳни ва ўқишга бўлган зўр иштиёқи блан ўз тенгдошларининг кўпидан ажралиб турар эди. А. П. Федченко айниқса табиатни севар ва унга доир китобларни катта иштиёқ блан ўқир эди. А. П. Федченко гимназияда ўқиб юрган вақтидаёқ табиий бойликларга сероб бўлган Сибирь ўрмонларида кезиб юриб, ҳархил ҳашаротлар ва ўсимликларни йиғар ва улардан коллекциялар тўпларди. А. П. Федченконинг табиатга бўлган зўр ҳаваси бутун умр бўйи сақланиб қолди ва у табиий билимлар соҳасида машҳур олим бўлиб етишди.

А. П. Федченко 1860 йилда гимназияни кумуш медаль блан тамомлади ва Москва университети физика-математика факультетининг табиат бўлимига кирди. Етарли тайёргарликка эга бўлмаганига қарамай, А. П. Федченко университетда жуда муваффақиятли ўқиди. У фақат ўқиш программасида кўрсатилган фанларни ўрганиш блан чекланиб қолмай, мустақил равишда ҳархил китоблар ўқир ва ўз билимини кенгайтириш устида қунт блан ишлар эди. Айниқса у табиат фанларига кўп қизиқар ва бу фанни ўрганиш учун тузилган студентлар тўгарагларида актив иштирок этарди. Масалан, у университетнинг энг илғор профессорларидан бири А. П. Богданов раҳбарлик қилган табиатни ўрганиш тўгарагида қатнашарди.

А. П. Федченконинг студентлик чоғлари Россиянинг ижтимоий ва маданий ҳаёти воқиаларга жуда бой бўлган даврга тўғри келди. Крепостной ҳуқуқнинг бекор қилиниши, бунинг натижасида капиталистик ишлабчиқаришнинг тез ривожланиши, чориизмнинг Ўрта Осиё ерларини қўшиб олиш учун олиб бораётган урушлари — буларнинг ҳаммаси халқнинг революцион ҳаракатини кучайтириб, ижтимоий ҳаётга катта та'сир кўрсатди.

Ма'лумки, Россияда шу даврдаги илғор фикрнинг намояндалари сифатида рус революцион демократлари майдонга чиқдилар. Н. Г. Чернишевский, В. Г. Белинский, А. И. Герцен, Н. А. Добролюбов каби рус революцион-демократларининг асарлари студентлар орасида кенг тарқалар ва уларда илғор фикрлар қўзғоган эди. Ма'лумки, Герцен студентларни революцион ҳаракатга чақириб, омма орасида илмий асосга суянган илғор фикрлар тарқатишга, бунинг учун эса табиий фанларни чуқур ўрганишга ундар эди. А. П. Федченко табиёт фанларини жуда чуқур ўрганди.

А. П. Федченко ўлкани ўрганиш мақсадида ташкил қилинган экспедицияларда қатнашар ва бунинг натижасида кўп янгиликлар очар эди. Масалан, А. П. Федченко 1866—1867 йилларда Россиянинг жанубий районлари ва Скандинавия мамлакатларида зоологик ва антропологик текширишлар ўтказди ва бу соҳада муҳим натижаларга эришди. Шундай қилиб, А. П. Федченко ёш бўлишига қарамай жуда тез кунда кўзга кўринган олим сифатида танилди.

* * *

Ўтган асрнинг 60-нчи йилларида Ўрта Осиёнинг кўпгина қисми Россияга қўшилди. Ўрта Осиёнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан анча юқори турган Россияга қўшилиши об'ектив жиҳатдан прогрессив аҳамиятга эга бўлган воқиа эди. Бу қўшилиш натижасида Ўрта Осиёнинг иқтисодий ривожланиши тезлашди, улар улуғ рус халқининг илғор маданиятидан баҳраманд бўлдилар. Ўрта Осиё халқларининг ҳозирги замон илмий медицинаси билан танишишлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Ма'лумки, Ўзбекистон ўтмишда иқтисодий жиҳатдан қолоқ чекка ўлкалардан бири эди. Иқтисодий қолоқлик, халқ оммасининг ҳоким синфлар томонидан шафқатсиз эзилиши, меҳнат ва яшаш шароитининг ёмонлиги — буларнинг ҳаммаси меҳнаткаш аҳолини жисмоний ва руҳан эзар ва унинг соғлигига путур етказиб, халқ ўртасида турли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлар эди. Феодаллар ҳукм сурган Ўзбекистон ўтмишда кўпгина эпидемик касалликларнинг ўчоғи эди. Ўлкада вабо, чума, чечак ва шу каби қўрқинчли касалликлар тез-тез тарқалиб турар ва кўплаб кишилар нобуд бўлиб кетарди. Бундан ташқари Ўзбекистонда бирнеча ўн асрлардан бери безгак, лейшманиоз, дракункулез (ришта) каби касалликларнинг эпидемик ўчоқлари сақланиб келар ва ундан аҳоли кўп азоб чекар эди. Аммо халқ учун офат бўлган бу касалликлар Ўрта Осиё Россияга қўшилгунга қадар илмий жиҳатдан мутлақо текширилмаган ва уларга қарши ҳечқандай кураш чоралари кўрилмаган эди.

Ўрта Осиё ўлкаларга хос касалликлар биринчи марта рус олимлари ва врачлари томонидан ўтган асрнинг 60-нчи йилларидан бошлаб илмий жиҳатдан текширилабошланди. Ўрта Осиёни ҳартомонлама илмий жиҳатдан текширган олимлардан бири А. П. Федченко эди. У 1869 йилда антропология, этнография ва табиатни ўрганучилар Москва жамиятининг топшириғи блан биринчи бўлиб Ўзбекистонга етиб келди ва ўлкани ҳартомонлама текширабошлади. А. П. Федченконинг Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда ўтказган илмий текширишлари бу ўлканинг географияси, ўсимликлари ва ҳайвонлари ҳақидаги илгариги тушунчаларни тамомила ўзгартириб юборди. У Ўрта Осиёнинг география картасига муҳим ўзгаришлар киритиш блан бирга бу ернинг ўсимликлари ва ҳайвонот дун'ёсини биринчи бўлиб мукаммал текшириб чиқди ва бунинг натижасида ўсимлик ва ҳайвонларнинг кўпгина янги турларини аниқлади. А. П. Федченконинг 1869 — 1871 йиллар давомида Ўзбекистонга икки мартаба саёҳат қилиб тўплаган 20 мингдан ортиқ ҳайвонот ва ҳашоратлар коллекцияси ичида бирнеча ўнларча янги хил ҳайвон ва ҳашорат бор. Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш зарурки, А. П. Федченко биринчи бўлиб Ўрта Осиёда учрайдиган ҳайвонлар ва кишилар организмида паразит ҳолда яшовчи гижжаларни текширди ва бу соҳада муҳим кашфиёт қилди.

А. П. Федченко 1869 йилда ўз экспедицияси блан Самарқанд шаҳрига келганида бу шаҳарда дракункулез касаллиги жуда авж олган эди. Дракункулезни тугатиш учун бу касалликнинг юқиш йўлларини ва уни пайдо қилучи паразитнинг биологиясини чуқур ўрганиш зарур эди. Шу мақсадда А. П. Федченко ришта гижжасининг биологиясини текшириб чиқди ва унинг эпидемиологиясини аниқлади.

Илгари олимлар бу паразитнинг личинкалари каши организмига тўғридан-тўғри тери орқали киради деб фараз қилар эдилар. А. П. Федченко эса ўзининг 1869 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказган текширишлари натижасида паразитнинг личинкалари аввало сувда яшайдиган циклоп номли кичик сув ҳайвони танасида етилиб, сўнг у киши организмига сув блан ютиб юбориш орқали кириши ва шу йўл блан касалликнинг пайдо бўлишини исбот этди. Бу кашфиёт жуда катта практик аҳамиятга эга эди. Паразитнинг киши организмига қандай йўл блан киришининг аниқланиши бу касалга қарши кураш чорасини муваффақиятли амалга оширишга имкон берар эди. Аммо чор ҳокимияти даврида улуғ рус олими А. П. Федченконинг бу муҳим кашфиёти амалда фойдаланилмай қолиб кетаберди. Фақат Совет ҳокимияти йилларидагина дракункулез касаллигининг А. П. Федченко асос қўйган эпидемиологияси чуқур ўрганилди ва бунинг натижасида касаллик тамомила тугатилди. Бу масалани ҳал қилишда отоқли совет олими, Сталин мукофотли лауреати профессор Л. М. Исаевнинг хизмати каттадир.

А. П. Федченко Ўзбекистонда риштадан ташқари яна кўп хил гижжаларни текширди ва бунинг натижасида анчагина янги хил паразитларни топди. Масалан, академик К. И. Скрябининг кўрсатишича Ўзбекистонда А. П. Федченко тўплаган 47 хил лентасимон гижжадан 14 хили янги эди. Бошқа бир олим (Линстов)нинг кўрсатишича, А. П. Федченко йиғиб олган бошқа хил гижжалар ичида 17 хили янги тур бўлган. Булардан ташқари А. П. Федченко Ўрта Осиёда бошқа паразитларни ҳам биринчи бўлиб илмий жиҳатдан текшириб чиқди. Масалан, у Ўзбекистонда биринчи марта зарарли ҳашоратларни текширди ва улардан ҳам кўпгина янги хилларини топди. Масалан, А. П. Федченко Ўзбекистонда биринчи марта флеботомус ҳашоратини топган.

Шундай қилиб Федченко Ўзбекистонда тарқалган зарарли ҳашоратлар ва гижжаларни биринчи бўлиб илмий жиҳатдан текширди. Демак, А. П. Федченко Ўрта Осиёда ўлка паразитологиясини ўрганишга асос солучидир. У врач бўлмагани ҳолда Ўзбекистонда тарқалган ба'зибир касалликларни ҳам кўрсатиб ўтади. Масалан, у ўша вақтда Ўзбекистонда кўп тарқалган пиндин араси (Боровский касаллиги), мохов ва шунга ўхшаш касалликларни текшириб чиққан.

Ўз замонининг илғор кишиси бўлган А. П. Федченко фақат илмий масалалар блангина чекланиб қолмай, халқнинг иқтисодий ҳаёти, турмуши ва унинг яшаш шароити блан ҳам қизиқар эди. Масалан, у ўз асарларидан бирида ўша вақтдаги маҳаллий аҳолининг гоят оғир турмуш шароитини тасвирлайди.

А. П. Федченко инсонпарвар олим сифатида меҳнаткаш халқни, уни қайси миллатдан бўлишига қарамай, севар ва халқнинг кучига ишонар эди. У ўша вақтдаёқ халқ қўли блан обод қилинган Фарғона водисини тоғ тепасидан туриб тамоша қилар экан бундай деб ёзган эди: «Ўрта Осиёда мен шундай чексиз кўкаламзор ва боғларни кўрмаган эдим. Қуйида кўз олдингизда бепоён чўзилиб ётган бу чексиз манзарани кўрар экансиз, ким, инсон қўли блан яратилганлигини билиб ҳайрон қолмасдан иложингиз йўқ; бунда инсоннинг улуғ кучи/ намоён бўлган».

Бу мисра'ларда талантли рус олимининг юраги қанчалик мусаффо экани, унинг меҳнаткаш ўзбек халқига бўлган чин муҳаббати яққол кўриниб турипти. Соф юракли улуғ рус олими А. П. Федченконинг ўзбек халқи ҳақидаги бу дўстона сўзлари келгусида бир оила бўлиб бирлашган ҳар иккала халқ дўстлигининг ифодаси эди.

* * *

А. П. Федченко Ўрта Осиёга қилган икки саёҳати натижасида бу ерда 20 мингдан ортиқ турли ҳайвонот, ўсимлик ва бошқа хил коллекциялар йиғиб олган эди. Бу қадар кўп коллекцияни ўрганиш учун кўпгина мутахассислар ишлашлари лозим эди. Шу мақсадда А. П. Федченко 1872 йилда четэлларга командировкага жўнади. У бирқанча мамлакатларда бўлиб, кўпгина олимлар блан ўз коллекцияларини текширди.

А. П. Федченко четэлдан қайтиб келиб Памир тоғларининг географиясини текширмоқчи эди. Памирни Альп тоғлари блан таққослаш мақсадида 1873 йил 3 сентябрьда швейцарияли икки киши блан Альп тоғига кўтарилади. Улар тоғнинг тепасига яқинлашганларида қаттиқ қор бўрони бошланади ва А. П. Федченко шу ерда 29 ёшида ҳалок бўлади.

А. П. Федченконинг ватан фани олдидаги хизматлари чексиздир. Шу блан бирга у Ўрта Осиё халқлари олдида ҳам жуда катта ҳурмагга сазовордир. А. П. Федченко Ўрта Осиёни илмий жиҳатдан ўрганишга асос солган биринчи рус олимларидандир. Шунинг учун халқимиз уни зўр ҳурмат блан эсга олиб, Ўрта Осиёдаги энг катта музликлардан бирини А. П. Федченко номига қўйган. Профессор Ошанин бундай деб ёзган эди: «...Федченко номидаги музлик узоқ келгусида ҳам саёҳатчиларга Ўрта Осиёни текширган энг талантли олимлардан бири бўлган А. П. Федченкони эслатиб турсин».

Ҳақиқатан ҳам асрлар ўтиши мумкин. Аммо Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон халқи машҳур рус олими А. П. Федченконинг номини ҳар доим ҳурмат блан эслайди.

А. ҚОДИРОВ.

Медицина фанлари кандидати.

Пахтани машина блан теришга тайёрлик кўришдаги қолоқликни тезда тугатиб, машиналарнинг юқори унум блан ишлашига эришайлик!

☆ ☆ ☆

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Пахта теримида техникадан самарали фойдаланайлик

Партия ва ҳукуматимиз пахтачиликдаги асосий ишларни механизация кучи блан бажариш тўғрисида ҳамавақт гамхўрлик қилиб келмоқдалар. Пахтакор колхозларга хизмат кўрсатаётган МТСларнинг трактор парки қудратли техника блан тобора кўп та'мин этилмоқда.

Сўнгги йилларда колхозларда ишлатилаётган пахта териш машиналари энг кўп куч талаб этадиган йиғим-терим ишларини муваффақиятли ўтказиш соҳасида ҳал қилучи восита бўлиб қолди.

Илгор колхозларнинг а'золари, совхозларнинг ишчилари пахта териш машиналаридан самарали фойдаланиб, фидокорона меҳнат туфайли етиштирилган мўл ҳосилнинг ҳа нобуд қилмай йиғиб-териб олишда жуда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Лекин, ҳамма ерда ҳам аҳвол шундай эмас. Айрим колхозларнинг раҳбарлари пахтани машина блан териш ишига етарли аҳамият бермаётирлар. Кўпгина колхозларда машиналарнинг унумли ишлаши учун асосий шарт бўлган гўза баргини сун'ий равишда тўкиш ёмон бажарилмоқда ёки бу иш кечикиб ўтказилаётгани учун яхши натижа бермаётир. Октябрь районида бу йил 4000 гектар ердаги пахта машиналар блан терилиши керак. Бу ишни муваффақиятли ўтказиш учун 20 сентябрьгача ана шу майдонлардаги гўзаларга дори сепиб бўлиниши керак эди. Бироқ, МТСлардан юборилган ОДН машиналаридан ва самалётдан яхши фойдаланилмаётгани учун бу топшириқ энди 72 процент бажарилди. Худди шундай аҳвол Пискент районида ҳам содир бўлаётир.

Ҳосилни машина блан теришга тайёргарлик кўришдаги топшириқларни ёмон бажарилаётганига, даставвал область қишлоқ хўжалик бошқармаси ходимларининг оператив раҳбарлик қилмаётганликлари сабаб бўлмоқда. Бу бошқарманинг раҳбарлари жойлардаги ҳақиқий аҳвол блан тўла танишиб, ишдаги камчиликларни тезроқ тугатиш ва машина блан пахта теришга амалий раҳбарлик қилмаётирлар.

Шу нарсага алоҳида э'тибор бериш керакки, областимиз пахта териш ва тайёрлашда ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда жуда орқада қолмоқда. 1953 йилнинг 21 сентябрьга қадар пахта тайёрлаш плани 18,10 процент бажарилган эди. Ваҳоланки бу йил 21 сентябрьгача йиллик планнинг 9,57 процентн миқдорида пахта тайёрланди. Бу қолоқликдан чиқиш учун барча имкониятлардан тўла фойдаланиш ва пахта териш машиналарининг тез сур'ат блан унумли ишлашига эришиш зарур. Ғўзаларнинг баргини сун'ий равишда тўкиш соҳасидаги сусткашликка тезда барҳам бериб, барча самолётлардан ва ОДН машиналари кучидан тўла фойдаланайлик.

Пахта териш машиналарининг муваффақиятли ишлаши учун зарур шароитларни ҳозирлаб бериш — колхоз правлениелари ва барча пахтакорларнинг шу кунлардаги энг муҳим вазифасидир.

☆ ☆ ☆

Қардош Озарбайжон пахта далаларида

БОКУ, (**ЎзТАГ махсус мухбири**). Ўзбекистон блан Озарбайжон пахтакорларининг 1954 йилда пахтадан мўл ҳосил олиш учун тузган социалистик мусобақа шартномасининг бажарилишини текшириш мақсадида Озарбайжонга келган Ўзбекистон пахтакорлари делегацияси бу ерда ўз ишини тамомлади. Ўзбекистон вакиллари 7 сентябрьдан 18 сентябрьгача Озарбайжонда бўлиб, 29 райондаги йиғим-терим ишларининг бориши блан танишдилар, республиканинг 125 тадан кўпроқ колхозини бориб кўрдилар.

Ўзбекистон пахтакорларининг вакилларини қардош Озарбайжондаги мўл ҳосил усталари ҳамма жойда самимият блан қардошларча кутиб олдилар ва ўз тажрибаларини хурсандлик блан айтиб бердилар.

Ўджар, Оқсу, Қосим Исмоил, Товуз, Шамҳор районларининг колхозлари пахта ҳосилини тезроқ териб олиш учун курашда Озарбайжонда биринчи ўринда бормоқдалар. Бу районларда пахта графикда кўрсатилган муддатларга қараганда анча тез териб олинмоқда. Шу дамгача давлатга йиллик планнинг 60—65 процентн миқдорида пахта топширилди. Шу районларнинг колхозларида пахтани қўл блан териш ҳам, машина блан териш ҳам яхши ташкилланган. Шу кунгача ҳаммаси бўлиб 4—5 тоннадан пахта теріб берган юзлаб теримчилар бор. Кўпгина механик-ҳайдовчилар мавсум бошидан бери ўзларининг пахта терши машиналари блан 25—35 тоннадан пахта тердилар.

Ўзбекистон делегатлари Шамҳор районидаги Ази Асланова номли, Собиробод районидаги Микоян номли, Ўджар районидаги Оржоникидзе номли ва Молотов номли колхозларда пахтанинг мўл ҳосилини териб олишни ташкилашда кўпгина қимматли тажрибаларга эга бўлинганлигини кўрдилар. Бу колхозлар йиллик пахта тайёрлаш планини ошириб бажарганлар ва ҳарбир гектардан ўрта ҳисоб блан 22—25 центнердан ҳосил олганлар.

Республиканинг машҳур колхозлари — Карягино районидаги «1-нчи Май» колхози ва Қосим Исмоил районидаги Ворошилов номли колхозлар Ўзбекистон пахтакорларида катта таассурот қолдирди.

Машҳур пахта усталари икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Шамома Гасанова, Басти Бағирова раислик қилаётган бу колхозларда жамоат хўжалигининг ҳарбир тармоғи сердаромад бўлиб қолди, мўл пахта ҳосили тез ва юқори сифатли қилиб териб олинмоқда.

Ўзбекистон вакиллари ўзаро текшириш вақтида пахтани машина блан теришни ташкил этишга алоҳида э'тибор бердилар. Меҳмонлар Товуз ва Имишли МТСларининг бу соҳадаги иш тажрибаларидан кўп ибратли нарсаларни ўргандилар. Бу МТСларда терим машиналарининг ҳаммаси ишга солинган. Механизаторлар терим машиналаридан янада самаралироқ фойдаланиш учун бу машиналарнинг группа бўлиб ишлашини ташкил қилганлар. Мана шу илғор икки МТСда ҳарбир агрегатда ўрта ҳисоб блан 2—2,5 тоннадан пахта терилмоқда. Терим вақтида пахтанинг нобуд бўлиши минимум даражага келтирилган. Шу иккала МТСнинг механизаторлари пландаг ташқари яна 400—500 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олдилар. Механизаторлар хизмат кўрсатаётган колхозларда ҳар куни йиллик планнинг 3,5—4 процентн миқдорида пахта топширилмоқда.

Ўзбекистон вакиллари Озарбайжоннинг пахта далаларида бўлган вақтларида мусобақадош икки республика пахтакорларининг дўстлик алоқалари янада кўпроқ мустаҳкамланди. Наманган область, Чуст районидаги Сталин номли колхознинг раиси Бобожон Ҳусанов Ўзбекистон пахтакорларининг бир группаси блан бирга Оғжабеда районидаги «Красний Озарбайжон» қишлоқ хўжалик артели далаларига борди. Бу колхоз 450 гектар пахта майдонининг ҳарбир гектаридан пландаги 22 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил олишга ва'да берган. Ўзбекистон вакиллари қардош Озарбайжоннинг бошқа кўпгина колхозларида бўлгани каби бу колхозда ҳам пахта теришнинг юксак даражада уюшқоқлик блан бораётганини кўрдилар. Бу колхозда ҳар кун терилган пахта яхши жихозланган майдончаларда дарҳол қуритилиб, тайёрлаш пунктига элтиб берилмоқда. Бу колхозда бригада хирмонларининг ҳаммаси асфальтланган ва пахта юкланадиган махсус майдончалар блан жиҳозланган.

Чуст районидаги Сталин номли қишлоқ хўжалик артелининг колхозчилари номидан шу колхоз раиси Бобожон Ҳусаннов социалистик шартномага қўл қўйди. У, менинг раҳбарлигимдаги колхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 7 ноябрьгача бажаради ва давлатга 1500 гектар ернинг ҳарбир гектаридан ўрта ҳисоб блан 30 центнердан юқори сортли пахта топширади, деб айтди.

Ўзбекистон пахтакорлари делегацияси ишларининг якунлари Озарбайжон КП Марказий Комитетида чақирилган маҳсус кенгашда муҳокама қилинди. Ўзбекистон делегациясининг раҳбари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари ўртоқ Исамухамедов делегациянинг иши тўғрисида тўлиқ ахборот берди.

Озарбайжон ССР Қишлоқ хўжалик министри ўртоқ Сендов сўзга чиқиб, Ўзбекистон вакилларининг пахта терими кунларида ўзларининг мусобақадош ўртоқларига катта ёрдам кўрсатганликлари учун ташаккур билдирди. Озарбайжон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Мустафоев Озарбайжон блан Ўзбекистон пахтакорлари традицион мусобақасининг сафарбарлик кучи роли катта эканлигини такидлаб, республика пахтакорлари ўзаро текшириш вақтида аниқланган камчиликлар ҳақида қилинган ўртоқларча танқиддан ўзларига хулоса чиқариб оладилар ва етиштирилган бутун пахта ҳосилини 1 октябрьгача битта қўймай териб олиш учун бутун кучларини сарфлайдилар, деди.



2-нчи «Боёвут» совхози далаларида пахта териш машиналарининг колонналари ишлаб турипти. Механизаторлар мўл ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олишда ғайрат кўрсатмоқдалар. **Суратда:** совхознинг 2-нчи бўлим агрономи (чапда) П. Чижов ва колонна механиги Гукямуков (ўнгда) ўртоқлар гўза баргининг қандай тўкилганлигини текшириб кўрмоқдалар. Илгор механик-ҳайдовчи ўртоқ А. Муродов (ўнгдаги суратда) ҳар куни 3,5—4 тоннага етказиб пахта термоқда.

А. Аверянов фотоси.

☆ ☆

Юқоричирчиқ районида пахта териш сур'ати ҳамон паст

ЯНГИБОЗОР. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Ўтган йили район колхозларида пахтадан мўл ҳосил етиштирилган эди. Аммо пахта тайёрлаш даврида катта хатоларга йўл қўйилди, ғанимат фурсат қўлдан берилди, моддий-техника воситаларидан унумли фойдаланишга, айниқса пахтани машина блан теришга етарли э'тибор берилмади. Шу сабабли районда пахта тайёрлаш плани бажарилмай қолди.

Бу аҳвол район партия ва совет ташкилотларидан, МТС раҳбарлари ва колхоз правлениеларидан бу йил пахта йиғим-теримига зўр уюшқоқлик блан тайёргарлик кўришни, мавжуд имконият ва моддий-техника воситаларидан моҳирлик блан фойдаланишни, қисқаси ўтган йилги хатоларни такрорламасликни талаб қиларди. Бироқ, районда ҳозирги кунларда пахта териш ва уни давлатга топшириш сур'ати ўтган йилдагига нисбатан ҳам паст. Демак район партия, совет ташкилотлари ва МТС раҳбарлари, колхоз правлениелари ўтган йил йўл қўйилган хатолардан жиддий хулоса чиқариб олмаганлар.

Районда 20 сентябрьгача йиллик планнинг 9,10 процентн миқдорида пахта тайёрланди.

Айрим колхозларнинг раҳбарлари «Биз кўп ердаги пахтани машина блан теришга ажратиб қўйганмиз», деган баҳона блан хотиржам бўлиб юриптилар ва машина блан терилмайдиган ерларда очилган пахталарни пешма-пеш териб олишга жиддий э'тибор бермаётирлар. Ҳатто айрим пайкалларда пахта нуқул қўл блан терилаётган колхозларда ҳам терим ишлари яхши ташкил этилмаганидан, пахта тайёрлаш сур'ати анча суст.

Андреев номли колхоз а'золари бу йил 750 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил олиш учун фидокорона меҳнат қилиб, яхши натижага эришдилар. Айрим бригада а'золари агротехника қоидаларига тўла риоя қилган ҳолда ишлаб, янада мўл ҳосил етиштирдилар. Масалан, 1-нчи бригада а'золари 44 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта топшириш учун курашмоқдалар. Улар бутун имкониятларни ишга солиб, ҳар куни бир ярим, икки процентга етказиб пахта териб 20 сентябрьгача йиллик планнинг 24 процентн миқдорида пахта топширдилар. Колхозда 73 теримчи кунлик нормани 2 ҳисса, 262 киши нормани тўла бажармоқда.

Лекин бу блан Андреев номли колхозда терим ишлари яхши уюштирилган деб бўлмайди. Колхоз раҳбарлари (раиси И. Толаббоев, бошланғич партия ташкилотнинг секретари А. Айдаров ўртоқлар) мавжуд имкониятлардан фойдаланиб пахта териш сур'атини тезлаштириш тўғрисида жиддий ўйламаётирлар. Колхозда барча колхозчилар бевосита пахта теримига жалб этилмаган. Агар колхоз раҳбарлари пахта теримини тўғри уюштирганларида эди, иккинчи даражали ишларда бирқанча кишини бўшатиб бевосита теримга қўйиш мумкин бўлар эди.

Бу колхозда пахта теримига тўла тайёргарлик кўрилмаган. Шунинг учун ҳозиргача 130 теримчи этак блан та'минланмади. Колхозда 25 арава, 10 автокачка, 3 машина бор. Терилган пахтани бригада ҳирмонларига ташиб келтириш тўғри уюштирилмаганидан, теримчиларнинг кўп вақти пахта ташиш блан ўтмоқда. Бундан ташқари, ҳозиргача барча бригадаларда ҳам терилган пахта пайкалда қўл тарози блан тортиб олинмайди.

7-нчи, 8-нчи бригадаларнинг ерларида сизот сувлари юза туради. Аммо колхоз раҳбарлари бу ерларнинг хусусиятини ҳисобга олмай, сентябрь ойида ҳам суғоришга йўл қўйганлар. Шунинг учун бу бригадаларда пахта очилиши сустлашиб, терим кечикмоқда.

Пахта теримини уюштиришда «III Интернационал», «Ленинизм», «Париж Коммунаси», Сталин номли ва бошқа колхозларда ҳам бир қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Жумладан, Сталин номли колхозда (раиси Жонзоқов, бошланғич партия ташкилотнинг секретари Истомқулов ўртоқлар) теримчилардан 19 киши кунлик нормани 2 ҳисса, 81 киши бир ярим ҳисса қилиб бажараётгани ҳолда раҳбарлар «пахта яхши очилмаган» деб, барча кучни теримга сафарбар қилмаётирлар. Натижада кунига колхозда 3,5 тонна ўрнига, фақат бир тоннадан сал ошиқ пахта терилмоқда. Пахта терими яхши уюштирилмаганлиги учун районда кунига 83 тонна ўрнига 65—70 тоннадан пахта терилаётир.

Район партия комитети ва район ижроия комитети пахта йиғим-теримида юз бераётган жиддий нуқсонларни бартараф қилиш учун дарҳол тегишли чораларни кўришлари керак.

Б. ХАЛИЛОВ.

Йиғим-терим сур'ати ошмоқда

Калинин районидаги Молотов номли колхозда кўпроқ ҳосил тўпланишига ва пахтанинг тезроқ очилишига ёрдам берадиган зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

Колхоз правленнеси агрономлар ва юқори ҳосил усталари блан биргаликда барча майдонлардаги ғўзаларнинг аҳволини текшириб чиқди. Ғўзалари ғовлаб кетган 50 гектарга яқин майдонда суғориш дарҳол тўхтатилди. Юз гектардан ортиқ майдондаги ғўзалар чанқаб қолган. Энг яхши сувчилардан коммунист Т. Мамбетов, Ю. Усмонов ва Б. Дўстовлар бу ерларни қўшимча суғордилар.

Зарур агротехника тадбирлари ўтказилганидан кейин ҳамма жойда пахта ёппасига очилабошлади, бу эса йиғим-терим сур'атини тезлатишга имкон берди. Ҳозир колхоз кунига йиллик планнинг қарийб икки процентн миқдорида, я'ни ўтган ҳафтадагига қараганда икки баравар кўпроқ пахта топширмоқда. (ЎзТАГ).

Пахта планини ошириб бажариш учун

Сирдар'ё районидаги «XIX партс'езд» колхозида пахта йиғим-терими қизғин бораётир. Колхознинг Рўзигул Эрматова бошлиқ бригадаси 46 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнер ўрнига 60 центнердан пахта топшириш учун курашмоқда. Бригаданинг илғор теримчиларидан Ўғилой Расулева, Тожиниса Бўтаева, Қодир Ҳамидов каби ўртоқлар кунлик нормани 2—3 баравар ошириб бажараётирлар.

Бригада а'золари ўртасида оммавий-агитация ишлари кучайтирилган. Дала шийпонлари радиолаштирилган бўлиб, тушки дам олиш вақтида колхозчилар маданий дам оладилар. Агитатор Қодир Ҳамидов уларга газета, журналлардан ўқиб беради ва пахтачилик ҳақида қизиқарли суҳбатлар ўтказиб туради.

З. ОРТИҚОВ.

БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВИСТАВКАСИДА

„Завети Ленина“ колхози стенди ёнида

Чинакам халқ университети — Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида «Урал» павильони ва унинг Курган область, Шадрин районидаги «Завети Ленина» колхози стендини ҳақиқатан ҳам етакчи факультетларнинг бири деб атаса бўлади. Колхоз олими Терентий Семёнович Мальцев ютуқларини кўрсатучи бу стендга қизиқиш гоят катта. Бу ерда яқинда узоқ Зауральедаги Мальцево қишлоғида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгаши гўё давом этаётганга ўхшайди. Колхоз раислари, далачилик ва трактор бригадаларининг бошлиқлари, профессорлар ,партия ходимлари, агрономлар ва машина-трактор станцияларининг директорлари ана шу ерда ўз тажрибалари юзасидан мулоҳаза ва фикрларини ўртоқлашмоқдалар.

Бу павильонга келучиларнинг кўпчилиги Мальцев агротехника усулининг нимадан иборат эканлигини билишгина эмас, балки бу усулни ўзларида қандай қилиб қўллаш, уни маҳаллий шароитга қандай қилиб мослашни ҳам билишни истайдилар.

Курган область, Чашин районидаги Комсомол МТСининг бош агрономи Никита Терентьевич Жуков стенд ёнида туриб Мальцевнинг ишларини сўзлаб бермоқда. Комсомол районининг ерлари тупроқ унумдорлиги учун кураш ҳаракатининг туғилган жойи — Шадрин райони блан қўшни. Шунинг учун Терентий Мальцевнинг ҳамюрти бўлган бу агрономнинг ўз тажрибасини мисол қилиб айтиб бераётган сўзларини экскурсиячилар диққат блан тингламоқдалар.

Херсон областидан келган бир группа экскурсиячилар ярим доира бўлиб консультантни ўраб олдилар.

— Терентий Семёнович Мальцевни колхоз олими деб атайдилар, — деди ўртоқ Жуков, — ҳақиқатан ҳам у шундай. Масалан, у тўрт йилдан бери мамлакатда биринчи марта ташкил этилган колхоз тажриба станциясининг директори бўлиб келмоқда. Бу ажойиб илмий муассасанинг штатида ҳаммаси бўлиб фақат 4 киши бор. «Завети Ленина» колхозининг далалари станциянинг экспериментал базасидир. Станциянинг илмий советига колхоз раиси, бригада бошлиқлари ва агроном киради. Бу колхознинг кўпгина а'золари станциянинг илмий ходимлари ҳисоблалади. Уларнинг ҳаммаси, ўтказилаётган тажриба натижаларидан фойдаланиб, экин ҳосилини ва колхоз даромадини ошириш учун манфаатдордирлар. Мальцев бир вақтнинг ўзида ҳам колхознинг ҳосилот совет раиси, ҳам тажриба станциясининг директори бўлиб ишлайди. Унинг ёзган китоби «Тажриба орқали фанга» деб аталади. Бу китобида мўл ҳосил олиш учун тупроқни қандай ишлаш кераклиги методлари батафсил баён қилинади.

Херсон область Ивановск районидаги Андреев номли колхознинг раиси В. П. Дереза консультантнинг гапларини э'тибор блан эшитиб, керакли жойларини бирма-бир ёзиб олади. Колхоз бу йил Мальцев методи бўйича тажриба ўтказишни мўлжаллаган, шунинг учун раис бу метод ҳақида тўла тафсилотга эга бўлишни истайди. «Завети Ленина» колхозида қўлланилаётган олмошлаб экиш раисни гоят қизиқтирди. Стенднинг чап томонида тўртдалали, ўнг томонида беш далали олмошлаб экиш схемалари осилиб қўйилган.

— Нега бу ерда кўпйиллик ўтлар кўрсатилмаган, — деб сўради раис.

— Мальцев, — дейди консультант, — олмошлаб экишни кўпйиллик ўтларсиз ҳам эпламоқда. У яратган агротехниканинг эски агротехникадан фарқ қиладиган принципиал жойи ҳам ана шундан иборат. «Завети Ленина» колхозида ҳам, бизнинг районимизда ҳам кўп вақтгача кўпйиллик ўтларнинг ролига катта аҳамият берилиб келинди. Далага узлуксиз бирйиллик экинлар экилаберса, тупроқ ориқланади, у ўзининг донадорлик структурасини йўқотади, мўл ҳосил бераолмайди.

Йил сайин катта-катта майдонларга кўпйиллик ўтлар экилар эди. Аммо улар мўл ҳосил бермасди. Колхоз ерни кўпйиллик ўтлар блан банд қилиб, унга дон экаолмагани устига кўпйиллик ўтдан ўзига етарли хашак ҳам жамғараолмас эди. Шундан кейин кўпйиллик ўтни бирон бошқа экин блан олмоштириш, тупроқнинг унумдорлигини тиклаш учун бошқа ўсимлик топиш кераклиги устида ўйлайбошладилар. Натижада Терентий Семенович бирйиллик ўсимликлар ҳам, фақат тупроқни ариқлантириш эмас, балки муайян шароитда тупроқ унумдорлигини оширади деган хулосага келди.

— Мальцев қандай янгиликларни киритди? — деб сўроқ беради консультант ва бунга ўзи жавоб беради. — Биринчидан, — дейди у, — Мальцев ерни ағдармасдан чуқур ҳайдаш усулини киритди. Мальцев плуги блан ҳайдалма қават бутун қалинлигича юмшатилади. Эндиликда «ҳайдаш» деган сўз ўзининг асл ма'носини йўқотди. Ер ишланганда ағдарилмайди, бет қават остга туширилиб ост қават бетга чиқарилмайди. Ер отвалсиз плуг блан 40—60 сантиметр чуқурликгача ишланади. Ернинг фақат бет қавати эмас, балки остқавати ҳам юмшатилади.

— Сиз, — дейди ўртоқ Жуков, — бизнинг Курган область Чашин районимизда Мальцевнинг янги агротехникасини қандай қўллашимиз блан қизиқаётирсиз. Мен бунга дарҳол жавоб бераман. Биз шудгорни ишлашга алоҳида аҳамият берамиз. Ишни кузда, ҳосилни йиғиб бўлгандан кейин бошлаймиз. Бунда бир ағнизни 7—8 сантиметр ва ундан чуқурроқ юмшатиб қўямиз. Эрта кўклам намни сақлаб қолиш ва бегона ўтларни қўзғатиш сўнгра уни йўқотиш учун ерни бороналаймиз. Июнь ойи бошига келганда, ерни отвалсиз плуг блан чуқур ҳайдаб, кетма-кет борона бостирамиз. Кейиндан бегона ўтларнинг чиқишга қараб ерни лушчилник блан ишлаб турамиз. Ёзда ёққан ҳарбир катта ёмғирдан кейин ҳам ерни бороналаб, намни сақлаймиз.

Август ойида ерни такрор отвалсиз плуг блан ҳайдаймиз. Бу гал плугни кўндалангига солиб, ерни янада чуқурроқ ҳайдаймиз.

Бу йил экиндан бўшаган ерга кейинги йил экин экиш учун олдин ағниз тайёрланади. Ҳосил йиғиб-терилгандан кейин ҳам бегона ўтларни йўқотиш иши давом этади. Бунинг учун кузда ағниз икки марта: ҳосил ўрилгандан кейин даланинг бўйига ва куз охирида эса даланинг энига қараб лушчилник блан юза юмшатилади. Агар экиш пайтигача далада бирйиллик бегона ўтлар пайдо бўлиб қолса, бунда ҳам ер олдинди трактор дискали лушчилниги блан ишланади. Ағниз фақат шу хилда комплекс ишланиб тайёрлангандан кейингина тор қаторлаб ёки шахмат усулида экин экиш керак.

Умуман айтганда, янги агротехника ана шундан иборат. Унинг асли моҳияти тупроқда намни тўла сақлаб қолиш, бегона ўтларнинг ўсишига йўл қўймаслик, олмошлаб экиш ротацияси давомида ерни бир-икки мартагина ҳайдаб, бошқа йилларда фақат 7—8 сантиметр чуқурликда юмшатишдангина иборат.

Яна бир муҳим нарса бор. Ана, стенддаги донларга қаранг. Булар Мальцев томонидан узоқ давр синалгандан кейин Зауральнинг ўрмон-дашт зонасида экиш учун танланган тезпишар ва нечпишар икки нав' донлардир. Колхозчилар янги агротехника асосида бу нав'ларни об-ҳаво шароитига қараб ҳархил муддатларда экиб, муттасил мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар. «Завети Ленина» колхози а'золарининг уч йил янги усулда ишлаши натижасида колхознинг пул даромади уч марта, бўлинмас фонди икки марта ошди ва янги агротехникани қўлланмаган бошқа колхозларга қараганда меҳнат кунларига берилган ҳақ ҳам кўпайди. 1953 йилда 2350 гектар ердаги баҳори бугдойнинг ҳар гектаридан ўрта ҳисоб блан 20,2 центнердан ҳосил олинди. Шундай қилиб, Зауральнинг кескин континенталь каттиқ совуқ иқлими шароитида ҳам шунчалик муттасил мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Краснодар ўлкаси, Лабин МТСининг директори А. С. Родионов ерни одатдаги беш корпусли плуг блан отвалсиз қандай қилиб чуқур ҳайдаш мумкин, деб сўрайди.

— Мальцев, — дейди ўртоқ Жуков, — бу плугни бирмунча ўзгартирди, беш отвалнинг ҳаммасини олиб ташлаб, плугнинг дастаги олди томонини ўткирлаш йўли блан кучайтирди. Плугга бошқа ўзгаришларни ҳам киритди. Қишлоқ хўжалик машинасозлик заводлари яқин вақтларда Мальцев плугларини ишлабчиқарабошлайдилар. Биз Чашин районида ҳозирча отвалларни олиб ташлаб одди плуглари ишлатиб турибмиз.

Павильоннинг, яқинда «Завети Ленина» колхозига бориб келган меҳмонлари А. М. Хайкевич, консультантнинг суҳбатда айтган сўзларига қўшимча қилади. Эшитучилар олдида гўё залнинг деворлари очилади ва фикран ҳамма нарса мўл ҳосил етишаётган кенг далага, колхоз олимининг лабораториясига кўчирилгандай туйилади.

— Биз, — дейди ўртоқ Хайкевич, — кетатуриб йўлнинг икки томонидаги қўриқ ерларда етиштирилаётган бугдойларни кўрдик. Бир томонда ҳайдалмасдан, фақат юза юмшатилган ерга экилган баҳори бугдой, иккинчи томонда ҳайдалган ерга экилган бугдойлар ўсмоқда. Ҳар икки томондаги бугдойларнинг кўринишни ёмон эмас. Лекин ҳайдалган ерга қараганда дискаланган қўриқ ерда органик моддалар кўп.

Экскурсант — КПСС Запорожье область комитети қишлоқ хўжалик бўлими мудирининг ўринбосари Н. Ф. Глушченко янги агротехниканинг Украина далаларига дадил кириб бораётганини сўзлайди. Масалан, август ойида Запорожье областидаги Терпеньевский МТСи зонасида 1500 гектар, Мелитополь районидаги 1-нчи МТС зонасида 400 гектардан кўпроқ ер отвалсиз плуг блан ҳайдалган.

Новосибирск область, Оянши районидаги «Союз строителей» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. К. Куклин суҳбатга қўшилади:

— Бизнинг колхозда, — дейди у, — Мальцев ишининг катта фойда бераётганига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Биз 1953 йилда отвалсиз плуг блан ҳайдалган ерларнинг ҳар гектаридан 20 центнердан баҳори бугдой олдик. Ҳолбуки эски усулда ишланган ерларнинг ҳар гектаридан атиги 14 центнердан ҳосил етишди. Ўтган йил қурғоқчилик бўлган эди. Шунда ҳам чуқур ҳайдалган ернинг 20—40 сантиметрли қаватидаги нам, одатдагича шудгор қилинган ерлардагидан икки марта кўп бўлди.

Ба'зи экскурсиячилар суҳбат тугагач, павильондан кетиб қолсалар, ба'зиларн стенд олдидаги стол ёнида соатлаб ўтириб қоладилар. Ба'зи вақтда бу ердаги суҳбатлар у ёки бу район хўжалиги хусусиятига боғлиқ бўлган конкрет масалалар муҳокама қилинаётган ишлабчиқариш кенгашига ўхшаб кетади. Бир саволнинг кейиндан кетма-кет иккинчи савол берилиб турипти. Мальцев фақат баҳори бугдой етиштираётган бўлса, кузги бугдой қандай етиштирилади? Янги агротехника чопиқ қилинадиган экинларга мосланса қандай бўлади? Намгарчилик кўп районларда янги агротехникани қўллашда нима иш қилиш керак? Сингари сўроқлар берилиб турипти. Муноза-ралар бошланиб кетади. Ма'лумки барча сўроқларга бирданига жавоб бериш қийин. Бу методни янада ишлаш ва ҳар жойнинг ўз шароитида синаш керак.

Грознен область Ачикулак районидаги Будённий номли колхознинг раиси П. П. Зимин, — Мальцев методини ҳаммабоп қилиб тайёрлаб қўйгани йўқ, — дейди. Масалан, «Завети Ленина» колхозининг ерлари ишқорли қоратупроқ бўлса, бизнинг ерлар шўрхок, яқинда виставкага келиб кетган Ярославль области колхозчиларининг гапига қараганда, уларнинг ери кулранг қумоқ тупроқ экан. Ҳар ернинг тупроғи ва иқлими ҳархил. Шунинг учун Мальцев методини ҳарқайси районнинг ўз шароитига қараб қўлланишга тўғри келади. Бир қолипга солиб эмас, балки изиодий ташаббус кўрсатиб иш қилиш керак. Синаб, текшириш керак, шундагина иш чиқади.

Бир группа экскурсантлар кетиши блан уларнинг ўрнига иккинчи группалари келади. Ба'зан стенд олдига одам тўлиб кетади. Булар колхоз олимининг ишини кенг равишда билишни истайдилар. Унинг иши ҳам суҳбатларда, ҳам отзив, китобларидаги ёзувларда баён қилинади. Мана шундай ёзувларнинг бирида: «Эндиликда далачиликда Мальцев методи блан эришилган ютуқларни «Завети Ленина» колхоз доирасидагина эмас, балки махсус павильон очиб, унда Мальцев методи бўйича бутун мамлакатда қилинаётган тажриба ишларини кенг кўрсатиш керак», деб баён этилган.

Бу китобда колхозчилар, мутахассислар, олимлар, ўқитучилар, студентлар, ёш натуралистларнинг ҳархил тилларда ёзган отзиваларини кўриш мумкин. Хитой халқ республикаси қишлоқ хўжалик министрлиги вакилларининг колхоз олимининг ишлари блан танишгандан кейин, ёзган отзивлари сра эсдан чиқмайди. Улар: «Совет ҳукумати ва Коммунистик партия халқ ташаббусини рағбатлантириш ва ривожлантиришга гоят катта э'тибор берадилар. Тупроқни ишлашнинг янги, мальцевча усулини янада ривожлантиришда муваффақият тилаймиз. Биз бу усул фақат Совет Иттифоқидагина эмас, балки Хитой Халқ Республикаси далаларида ҳам синовдан ўтади ва қўлланилади деган умидни тўла ишонч блан баён қиламиз» деб ёзганлар.

М. КУШНЕР.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессиясига Украина ССР делегацияси

КИЕВ, 18 сентябрь. (ТАСС). Украина ССР ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессиясига делегация тайинлади.

Делегацияга Украина ССР ташқи ишлар министри Л. Ф. Паламарчук бошчилик қилади; делегация а'золари: И. З. Штокало, Н. Е. Крутикова, С. А. Слипченко, И. А. Толкунов, делегация а'золарининг ўринбосарлари қилиниб С. П. Демченко, ва В. И. Сапожников тайинландилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессиясига Белоруссия ССР делегацияси

МИНСК, 18 сентябрь. (ТАСС). Белоруссия ССР ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессиясига делегация тайинлади.

Делегацияга Белоруссия ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри К. В. Кисилев бошчилик қилади. Делегация составида —П. Е. Астапенко, М. Т. Линьков, К. Н. Абушкевич, А. П. Ус бор.

Марсель Кашеннинг 85 йиллиги

ПАРИЖ, 20 сентябрь. (ТАСС). Халқаро ишчилар ҳаракатининг ветерани, Франция Коммунистик партиясининг асосчиларидан бири, «Юманите» газетасининг директори Марсель Кашен туғилган кунга бугун 85 йил тўлди.

Кашен Жорес та'сис қилган, француз социалистларининг, кейинчалик Франция Коммунистик партиясининг 1912 йилдан буён жанговор органи бўлган «Юманите» газетасини чиқаришда актив қатнашиб келмоқда. 1918 йилдан буён Кашен бу газетанинг доимий директоридир.

Марсель Кашен француз социалистларининг 1920 йил декабрьда Тур шаҳрида бўлган с'езддида Коммунистик партияни ташкил қилишни ва унинг Коминтерна қўйилишини қат'ият блан ёқлаб чиқди. Париж меҳнаткашлари 42 йилдан буён Кашенни Франция парламентининг дўпутатлигига сайлаб келмоқдалар.

Франциянинг демократик жамоатчилиги юбилярни қизғин табрикламоқда. Меҳнаткашлар ва прогрессив ташкилотлар минг-минглаб хат ва телеграммаларида Кашенга унинг ишчилар синфининг иши, Франциянинг миллий мустақиллиги ва яшнаши бутун дун'ёда тинчлик йўлида фидокорлик блан олиб бораётган кураши учун самимий муҳаббат ва миннатдорчилик изҳор қилмоқдалар.

Яқинда Парижнинг 18-нчи округида Кашеннинг 85 йиллигига бағишланган катта йиғилиш бўлди. Меҳнаткашларнинг вакиллари, Коммунистик партиянинг вакиллари, Умумий меҳнат конфедерациясининг, «Коммуна дўстлари» жамиятининг ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек прогрессив французуз олимлари, ёзувчилари, сан'ат арбоблари юбилярни самимий табрикладилар ва қутладилар. Кашен ўзининг жавоб сўзида ишчилар синфининг иши узил-кесил ғалаба қилишига, коммунизмнинг ғалаба қилишига қаттиқ ишонганлигини айтди.

Бугун «Юманите» газетасида Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетидан, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитетидан, «Правда» газетасининг редакциясидан, Германия Демократик Республикасининг президенти Вильгельм Пикдан, бирқанча мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялардан Марсель Кашенга юборилган табрик хатлари э'лон қилинди.

Венадаги кузги ярмаркада совет павильонининг муваффақияти

ВЕНА, 20 сентябрь. (ТАСС). Кеча Венада 12 сентябрьда очилган кузги ярмарка тамом бўлди.

Бундан аввалги йиллардагидек, Совет Иттифоқининг павильони бу йил ҳам тамошабиларнинг диққат марказида турди. Павильонда автомобиль саноати, қишлоқ хўжалик ва тўқимачилик машинасозлиги, электротехника, тўқимачилик ва озиқ-овқат моллари саноати буюмлари кенг кўрсатилди. Совет павильонида жам'и 400 мингдан ортиқ киши бўлди. Павильонни Австрия президенти Кернер, Австрия ҳукуматининг бирқанча а'золари ва парламент депутатлари, Австриянинг кўзга кўринган жамоат арбоблари келиб кўрдилар.

Таассуротлар ёзиладиган дафтардаги мингларча хатлар Совет Иттифоқининг саноатни ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги муваффақиятларидан тамошабинлар жуда қойил қолганлигини кўрсатади. Совет павильонининг муваффақияти яна шу жиҳатдан ҳам муҳимдирки, реакцион газеталар ярмарка бошланган пайтданоқ Совет Иттифоқининг Вена ярмаркасида қатнашаётганлиги ҳақида ҳеч нарса ёзмасликка уриндилар.

Демократик газеталар ярмаркага келтирилган совет молларининг сифати ва ассортиментига юксак баҳо бермоқдалар. Газеталар халқ иste'моли моллари саноатининг муваффақиятларига алоҳида э'тибор бермоқдалар.

Венгрия давлат мажлисининг сессияси очилди

БУДАПЕШТ, 20 сентябрь. (ТАСС). Бугун Венгрия Халқ Республикаси Давлат мажлисининг сессияси очилди. Сессия Венгрия Халқ Республикаси Давлат мажлиси президиумининг секретари И. Дарабошнинг Давлат мажлисининг бундан аввалги сессиясидан буён ўтган вақт ичида президиумнинг қилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб тасдиқлади. Сўнгра Министрлар советининг раиси Имре Надь Венгрия халқ республикасининг конституциясига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги, маҳаллий советларнинг депутатларини сайлаш тўғрисидаги ва советларнинг иши ҳақидаги қонун проектларини муҳокама қилишни таклиф этди.

Сессия қуйидаги кун тартибини бир овоздан тасдиқлади:

1) Венгрия халқ республикасининг конституциясига ўзгартишлар киритиш;

2) советлар ҳақидаги қонун проектларини муҳокама қилиш.

ХХР Конституцияси қабул қилинди

Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг сессиясида

ПЕКИН, 20 сентябрь. (ТАСС). Бугунги кун Хитой халқининг ҳаётида жуда муҳим кун. Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг 1-нчи сессияси бугунги мажлисда Хитой Халқ Республикасининг Конституциясини—хитой халқининг кўп асрлик тарихида биринчи чинакам халқчил ва демократик конституцияни якдиллик блан қабул қилди.

Кундуз соат 3 да мажлислар зали депутатлар блан лиқ тўлди. Ўртоқ Мао Цзе-дунинг залда пайдо бўлиши гулдурос қарсаклар блан кутиб олинди. Раислик қилучи депутат Чжоу Энь-лай мажлисни очиқ деб э'лон қилди. У айтдики, ХХР Конституцияси проекти ва депутат Лю Шао-цининг «Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг проекти тўғрисида»ги доклади юзасидан бўлган музокараларда 89 депутат сўзга чиқди ва 89 депутатнинг ҳаммаси Лю Шао-цининг докладини якдиллик блан ма'қуллади ҳамда Хитой Халқ Республикасининг Конституциясини қабул қилишни таклиф этди.

Сўнгра Чжоу Энь-лайнинг таклифи блан депутатлар ХХР Конституциясини яширин овоз бериш йўли блан қабул қилиш тўғрисида қарор чиқардилар. Конституция проектининг тексти ўқиб эшиттирилади, шундан кейин, Конституция проекти овозга қўйилади.

Депутатлар тантанали равишда биринкетин овоз бериш қутиси олдига келиб, хитой, мўғул, уйғур ва тибет тилларида ёзилган бюллетень варақаларини қутига ташлайдилар.

Раислик қилучи Чжоу Энь-лай овозлар санаб чиқилгандан кейин овоз бериш натижаларини э'лон қилади. Мажлис Чжоу Энь-лайнинг, бугун мажлисда ҳозир бўлган 1.197 депутатдан овоз беришга 1.197 депутат қатнашганлигини ва 1.197 депутатнинг ҳаммаси Конституциянинг қабул қилинишини ёқлаб якдиллик блан овоз берганлиги ҳақидаги ахборотини зўр хурсандчилик блан кутиб олди. Депутатларнинг ҳаммаси бир кишидай ўринларидаги турди ва залда қудратли овация тинмай узоқ янграйди, Хитой Коммунистик партияси шарафига, Мао Цзе-дун шарафига табрик хитоблари янграйди. 600 миллионлик халқнинг вакиллари бутун давлатнинг асосий қонуни—Хитой Халқ Республикасининг Конституцияси вужудга келганлигини табриклайдилар. Конституция улуғ хитой халқининг миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун олиб борган кўп йиллик курашининг самараларини мустаҳкамлайди.

Раислик қилучи Чжоу Энь-лайнинг сўзлари тантанали янграйди. У халқ вакиллари Умумхитой мажлиси сессиясининг Президиуми номидан, Хитой Халқ Республикасининг Конституцияси Хитой Халқ Республикаси биринчи чақириқ халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг биринчи сессияси томонидан 1954 йил 20 сентябрьда қабул қилинди, деб э'лон қилади.

Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг депутатлари бугунги мажлисинг охирида халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг Ташкилот статутини қабул қилдилар.

ХХР КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БЛАН ПЕКИНДА ТАНТАНАЛАР

ПЕКИН, 20 сентябрь. (ТАСС). Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг биринчи сессияси Хитой Халқ Республикасининг Конституциясини — бахт ва прогресс Конституциясини, хитой халқининг катта ғалабаларини юридик шаклда мустаҳкамлайдиган ва мамлакатнинг социализм қуришини та'минлаб берадиган Конституцияни қабул қилганлиги ҳақидаги ҳуш хабар бугун радио орқали эшиттирилиши бланоқ Пекиннинг минг-минглаб аҳолиси байроқлар кўтариб кўчаларга чиқди. Ўз-ўзидан оммавий намойиш бошланиб кетди. Намойиш қатнашчилари ХХР Конституциясини, хитой халқининг ҳаётини ва ишини ифодаловчи плакатларни кўтариб, Пекин ва Хитой Коммунистик партияси шарафига табрик сўзларини айтдилар. Пойтахт кўчаларида кўп киши қатнашган юришлар, Пекин аҳолисининг ашула ва рақслари ярим кечагача давом этди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИГА НОТАСИ

ПРАГА, 20 сентябрь. (ТАСС). Бугун «Руде право» газетасида Чехословакия ташқи ишлар министрлигининг 18 сентябрьда Америка Қўшма Штатларининг Прагадаги элчихонасига юборган нотаси э'лон қилинди.

Нотада бундай дейилади:

1954 йил 17 сентябрь соат 10 дан 30 минут ўтганда Америка Қўшма Штатларининг учта ҳарбий хизматчиси Аусендорок Гут районида Чехословакиянинг жуда аниқ белгиланган чегарасидан ўтиб, Чехословакия территориясида туриб, атроф-теваракни суратга олган ва дурбинлар ёрдами блан кузатган, ўз кузатишларини расмга олиш ва ёзиш блан шуғулланган. Чехословакия чегара патрули чегара бузучиларни топиб, уларга тўхташни таклиф этди. Чехословакия чегарасини бузучилардан бири қочиб кетган ва немис территориясида яширинган. Қолган иккитаси ушланган. Уларнинг ким эканлиги аниқланди. Чегара бузучилардан бири Америка армиясининг старший лейтенанти Ричард Драйс, иккинчиси—ефрейтор Джордж Пискдир. Ушланганларнинг ҳар иккаласи Айден (Ғарбий Германия) даги 317-нчи ҳарбий разведка бўлимининг ходимларидир. Ушланганларнинг иккита дурбини, иккита ўқланган тўппончаси, плёнкаси блан биргаликда фотография аппарати, ҳарбий картаси ва бошқа ҳужжатлари мусодара қилинди. Булар Америка ҳарбий разведка бўлимининг иккала ходими Чехословакия территориясига жосуслик характеридаги вазифани бажариш учун юборилганлигини та'кидлайди.

Буни чехословак чегара районларининг старший лейтенант Ричард Драйс ёнидан топилган муфассал ҳарбий картага давлат мудофааси нуқтаи назаридан муҳим ўрин тутган об'ектларнинг ёзиб ва расмга тушириб олинганлиги, шунингдек Драйснинг хотира дафтаридаги ёзувлари ҳам аққол кўрсатиб турипти.

1954 йил 18 сентябрь соат 10 да худди ўша жойда Чехословакия чегарасини бузилиши қўпол иғвогарлик блан боғлиқдир. Америка армияси хизматчиларининг кўп сонли отряди бундан бир кун аввал Чехословакия чегараси бузилган жойга машинада келиб, Чехословакия чегарасига бевосита яқин жойда жанг позициясини ишғол қилди. Отряднинг оғир пулемети ҳам бор эди.

Америка армиясининг бирнеча солдати кузатиш ишлари блан шуғулланди ва суратга олди, шу блан бирга ҳаддан ошиб кетиб, Чехословакия территориясига ҳам ўтди. Равшанки, бундай қўпол иғвогарлик Чехословакиянинг суверенитетини қўпол равишда поймол қилишдан ва чегарадаги районлар территориясини разведка қилишдан иборат бўлиши блан бирга, ўзаро отишма бошлашни ва қонли чегара жанжали чиқаришни ҳам мақсад қилиб қўйган эди.

Юқорида айтиб ўтилган ҳодиса ягона бир ҳодиса эмас. Америка армиясининг Ғарбий Германиядаги оккупациячи қисмлари ўз мавқи'ларини суиқасд қилиб, планли равишда Чехословакия республикасига қарши қасддан жосуслик ишлари олиб бормоқдалар; шу блан бирга улар Чехословакиянинг давлат чегарасини қўпол равишда бузмоқдалар ва чегарада ҳархил иғвогарликлар уюштирмоқдалар.

Ташқи ишлар министрлиги бундан илгари юборилган норозиликларни эслатиб, Чехословакиянинг мамурлари Чехословакия чегарасини бузиш ҳодисаларига асло чидаб туроолмайдилар деб билдиради ва Чехословакия республикасининг ҳукумати Ташқи ишлар министрлигини Чехословакия территориясининг дахлсизлиги яна икки марта бузилганлигига қарши ҳам, шунингдек Америка армияси хизматчиларининг Чехословакия территориясида, унинг чегарадаги областларида сурбетларча жосуслик ишлари олиб бораётганликларига қарши ҳам жуда қаттиқ норозилик билдиришга вакиллик блан ҳуқуқлидир. Америка армияси хизматчиларининг бундан илгари ўзининг ҳаракатлари блан ўзининг ҳаракатлари блан ўзининг ҳаракатлари блан